

АДАБ-АХЛОҚ-АДОЛАТ

МУҲАММАД ШАРИФ АЛ-БУХОРИИ

ФАВОИДИ ҲОҚОНИЙИ

/Ҳоқонга аталган фойдалар/

Тошкент, «Адолат»
1995

Ал-Бухорий, Муҳаммад Шариф.
Фавоида ҳоқонийа/Ҳоқонга
ағалган фойдалар/// Форс тилидан
таржима қилганлар: М. Нуритдинов,
М. Ҳасаний; Кириш сўзи. М. Нуритдинов-
ники/.— Т.: Адолат, 1995.— 56 б.— (Адаб,
ахлоқ, адолат).

87.717.7

Таржимада Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақла-
наётган 5444-рақамли қўлёзмадан фойдаланилди.

Форс тилидан таржима қилганлар:

МАҲМУДХУЖА НУРИТДИНОВ
МАҲМУД ҲАСАНИЙ

Муҳаррир ШАРИФ ХОЛИМУРОД

С Адолат, 1995

АСАР ҲАҚИДА МУХТАСАР СУЗ

Марказий Осиё ўтмиш маданияти, хусусан, фалсафий тафаккур тарихини ўрганувчи олимларимиз кейинги ўн йиллар мобайнида анча ишларни амалга ошириб, умумий маданиятимиз соломасини янгидан-янги маълумотлар билан тўлдирдилар. Аммо олиб борилган илмий тадқиқотлари асосан XV асргача бўлган даврни қамраб олади. Бу фақатгина бизнинг адабиётга эмас, балки минтақамиздаги қарийб барча адабиётларга ҳам тааллуқли бир ҳолдир. Мовароуннаҳрдаги кеч феодализм даври фалсафий тафаккур тараққиётини ўрганишга бўлган бундай бепарволикнинг бир қатор сабаблари борки, шулардан бири бу ўша даврлар фақатгина мистика ва сўфий адабиётининг ривожини билан чегараланиб, фалсафий тафаккур борасида эса ҳеч қандай ижобий ғояларни юзага келтирмаган, деган фикрлар аста-секин шакллана борганлигидир. Ҳурматли олимимиз Иброҳим Мўминов ўз вақтида «Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари» асари билан бундай қарашларнинг сохта эканлигини исботлаб берган эди. Шуниси афсусланарлики, яқин-яқинларгача мазкур асар кеч феодализм даври фалсафий тафаккур тарихини ўрганишга бағишланган ягона асар бўлиб келди.

Кейинги пайтларда бу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, юқоридаги сохта қарашларнинг ҳақиқатдан анча йироқлигини кўрсатмоқда.

Бир қатор фалсафий тарихий манбаларни ўрганиш, Мовароуннаҳрдаги кеч феодализм фалсафий тафаккури тарихи қадимги юпон маданиятига, Марказий Осиё, Эрон, Ҳиндистон олимларининг илмий-фалсафий меросига зўр қизиқиш, дунёвий билимларни эгаллашга интилиш бўлганлиги билан характерли эканлигини кўрсатмоқда.

Шу бондан Ўзбекистон халқларининг XVI—XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр тарихини ўрганиш борасидаги муҳим масалалардан бири шу даврга алоқадор фалсафий-илмий қўлёзма ва тош босма китобларни қидириб топиб, таржима қилиш ва илмий муомалага киритишдан иборатдир.

XVII асрда Мовароуннаҳрда яшаб, ижодий фаолият кўрсатган йирик файласуф олим Муҳаммад Шариф Бухорийнинг (1697 йили Бухорода вафот этган) илмий-фалсафий мероси шундай асарлар қаторига кира-

ди. Ал-Мавлавн таҳаллуси билан машҳур бўлган бу муаллиф фалсафа, тарих, шеърнат, ҳуқуқшунослик, тилшунослик ва бошқа қатор соҳаларда ижод этган. Унинг 20 дан ортиқ асарн бизгача етиб келган.

Олимнинг диққатга сазовор асарларидан бири «Фавонди ҳоқониййа» («Ҳоқонга аталган фойдалар») китобидир. Хижрий 1053 (милодий 1643) йилда Бухорода ёзилган бу рисола XVIII асрнинг охирига қадар қайта-қайта кўчириб келинган. Унинг нусхаларидан бири «Рисолаи машкурниййа» деб номланади.

«Фавонди ҳоқониййа» рисоласи муаллиф замони-га хос бўлган қатор қимматли маълумотларни ўз ичига олган. Кўлөзма форс тилида битилган бўлиб, 25 боб ва 32 фаслдан иборат. Улар, жумладан, қуйидаги боблардир:

- подшоҳлик ҳақида;
- ҳадд ва таъзир ҳақида;
- ов қилиш ҳақида;
- жиноят ва ўғирлик ҳақида;
- тўкилган қон учун хун тўлаш ҳақида;
- йўл устига қурилган уйлар ҳақида ва ҳоказо.

Рисолада Муҳаммад Шариф ал-Бухорийий замонига хос бўлган ҳаётий лавҳалар, шаръий қонун-қондалар, ахлоқ ва одоб мавзусига онд маълумотлар ва бошқа бир қатор қизиқарли материаллар келтирилади. Рисолани ўқиган одам бир зум ўзини Бухорийнинг замондоши деб ҳис қилади. Албатта асарда келтирилган маълумотларнинг баъзилари бугунги кун учун ҳам аҳамиятга эгадир; ўқувчига содда, оддий туюлган бошқа бир маълумотлар замирида мужассам этилган фикр-ғоялар одамни чуқур уй-ҳаёлларга, мушоҳадага даъват этади. Шу боис улардаги айрим мисоллар таҳлилий назар билан баҳолашни талаб қилади. Уларга ҳам бугунги кун кишисининг кўзи билан, ҳам Бухорийий замондоши нуқтаи назаридан қарамоқ мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, бу рисола Ўзбекистоннинг ҳуқуқий, давлатчилик тарихи ҳақида ҳаққоний тасаввур берувчи лавҳалардан иборатдир.

М. НУРИТДИНОВ,

Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти-нинг етакчи илмий ходими, фалсафа фанлари доктори.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИИМ

...Саҳиҳ¹ ҳадисларда келтирилишича, Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъало (жалла жалолуҳу ва амма наволуҳу) ато қилганига кўра, шариат масъалаларидан бўлмиш бир масъала дарси қирқ йиллик ибодат савобига тенгдир. Демак, бу ҳадис мазмуниданки, ҳазрати ҳоқонимизга улуг савоб ва кўркам мукофот етгусидир. Чунки, «аддоллу ала-л-хайри ка-фоъилиҳи»² дейилгандир. Бу китобнинг ёзилишига сабабчи ҳазрати ҳоқони соҳибқирон бўлгани учун у «Фавонди ҳоқонийа» деб номланди.

Китоб кўпгина бобларни ўз ичига олади. Боблар эса бир қанча фасллардан иборат.

ХАЛИФАЛИК ВА ШАРИАТ ЮЗАСИДАН ХАЛИФАЛИККА ТААЛЛУҚЛИ БУЛГАН НАРСАЛАР, МУЪТАБАР ШАРИАТ ШАРТЛАРИ ВА ШАРТЛАРДАН ЎЗГА НАРСАЛАР БАЕНИДАГИ БОБ

Ф а с л

Халифаликда шариат шарт қилган нарсалардан бири, аввало, халифа озод мусулмон, балоғатга етган, гапира оладиган, кўрадиган, эшитадиган бўлиши керак. Демак, қул, кофир, жинни, гўдак, соқов, ҳеч нарсани кўрмас ва ҳеч нарсани эшитмас, кўр, кар бўлса, унинг халифаликка қобилияти ва салоҳияти йўқдир. Булардан ҳар бирининг сабаби маълумдир.

Яна шу шарт қилинганки, халифа шариат ҳукмларини ижро қилишга, ислом ҳудудларини кофирлардан, бебошлардан ҳимоя қилишга, золимдан мазлумнинг ҳақини олиб беришга қодир бўлмоғи керак. Бу ёқимли сифатлар билан бирга бошқа кўркам фазилатлар, қайсинки улар ҳам халифаликнинг зарурий шартларидан бўлиб, хилофатпаноҳ Онҳазратда, Аллоҳ уни саломат қилсин, мавжуд эди. Аввало мазлумлар доди золимлардан тўлиқ олиб берилди, зулм эшиги бутунлай ёпилди, золимлар охират қийинчилигидан Онҳазрат (ҳоқон) салламуҳуллоҳ сабабли қутулдилар.

¹ Саҳиҳ — шак-шубҳасиз, тўғри.

² Яхши ишга йўлмаган киши уни бажарувчи билан тенг савоб топгусидир.

Чунончи, саҳиҳ ҳадисда келтирилганки, қиёмат куниг мазлумлар золимлар билан биргаликда Ҳазрати Қозийу-л-ҳожот (ҳожатларни раво қилувчи, яъни Аллоҳ) ҳузурига келтирилади. Золимларнинг энди зулм қилишга қудратлари бўлмаган бу кунда қилган зулмлари эвазига золимларнинг яхшиликларини мазлумларга олиб беришни Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло фаришта-ларга буюради. Агар бу ҳам етмаса, эвазига мазлумларнинг ёмон ишларини золимларга беришни фаришталарга топширади. Шундай қилиб, золимларни дўзахга тушишга тайёрлайди.

Онҳазрат (ҳоқон)нинг хизмати ва (шариатга) пайравлиги туфайли золимларнинг зулм қилишга қувватлари қолмади, шундай қилиб, улар охираат азобидан қутулиб қолдилар.

Зулм ғоятда ёмон ва ўта ёқимсиз ишдир. Чунончи, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло (ўз Қаломи Мажидида) буюради: «Вала тарайно илаллазийна заламу фа-тамасса-кumu-н-нору». Бу ояти кариманинг маъноси, Аллоҳ яна билувчироқдир, шундай: «Зулм қилган жамоага андак бўлса-да майл қилманглар, агар ул жамоага майл қилсангизлар, сизларга дўзах олови етади. Золимга андак майл қилиш жаҳаннам азобини тортишга сабаб бўлар экан, кўп зулм қиладиган одамнинг ҳолига войдир. Зулмдан ва зулм аҳлига майл қилишдан бизни Аллоҳнинг ўзи асрасин!

Бу вайдан ҳам Ҳазрати хилофатпаноҳга улуг савоб ва кўркам ажр (мукофот) етгай, «Аллоҳума, унсур мин насри-д-дийни фахзул мин хузли-д-дийни»¹.

Ф а с л

Махфий қолмасинким, халифаликда ва намозда имом бўлишга исмат² шарт эмас. Чунки, Расул саллаллоҳу алайҳу васаллам: «Намознингизни ҳар қандай некукор³ ва бадкор⁴ орқасида ўқийверинг», — деганлар. Яна фиқҳ⁵ иймоннинг заволига сабаб бўлмайди, демак, хилофат, ва имоматнинг ҳам заволи-

¹ Мазмуни: «Эй бор Худоё, динга ёрдам беришимиз учун ёрдам қил, динни бузишдан бизни қайтар».

² И с м а т — гуноҳдан пок, маъсум бўлиш.

³ Н е к у к о р — яхши ишларни қилувчи.

⁴ Б а д к о р — ёмон ишларни қилувчи.

⁵ Ф и с қ — шариат буюрган ишларни бажармаслик.

га сабаб бўлмайди, демак, хилофат ва имоматни ҳам завол қилмайди. Яна Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг асҳоблари (саҳобалари) яшаган асрда фисқ зоҳир қилаётган халифалардан бўлган Марван авлодлари ва бошқаларнинг орқасида Онҳазрат алайҳис саломнинг асҳоблари ва тобеъинлари¹ намоз ўқирдилар ва ҳаж адо қилардилар. Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи васалламнинг асҳоблари ва тобеъинлардан бўлган жамоанинг ҳуруж қилиб чиққанлари ҳақида ҳеч ким ривоят қилган эмас.

Аммо, яхшиси шуки, халифада адолат сифати бўлсин, чунончи, бизнинг Ҳазрати ислом подшоҳимизда бу сифат ошкор ва аёндыр.

Адолат баёнидаги фасл

Махфий қолмасниким, хилофат бобида адолат энг яхши ишлардан ҳисобланади. Чунончи, Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло буюради: «Вало яжурру минкум ташфонни қавмун ан ло таъдилу уаддилу ҳува ақрабу ли-т-тақво». Ояти Кариманинг маъноси: Аллоҳ яна билувчироқ, шундайки, эй мўъминлар, ўзингизнинг душманлигингиз ва адоватингиз туфайли мушрикларга нисбатан адолатни тарк қиладиган нарсага юрманг, яъни шарнат юзасидан ҳалол бўлмаган нарсага мушрикларни сазовор қилманг, масалан, қулоқ ва бурунни кесини, кўзини кўр қилиши ва шунга ўхшаш нарсалар. Яна мушриклар билан зинога², уларнинг аёлларини ва болаларини ўлдиринишга ва уларга берилган ваъдани бузишга қасд қилманг. Бу ишларни тарк қилиш билан мушрикларга адолат кўрсатинг. Адолат — тақво³га яқиндыр.

Демак, кофирларда адолат қилиш даражаларга сабаб экан, аҳли исломга нисбатан адолатда бўлиш юксак даража бўлажакдыр.

Саҳиҳ ҳадисда келтирилишича, қиёмат кунда ҳеч қандай соя бўлмайди, фақат Аршнинг соясигина бўлади. Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло Арш соясига етти хил кишини кўяди: биринчи — одил подшоҳни, иккинчи —

¹ Расул саллаллоҳу алайҳи васалламни кўрган кишилар саҳоба, саҳобани кўрганлар эса тобеъинлар дейилади.

² Зино — номаҳрам аёл билан бўлиш.

³ Тақво — ҳудожўйлик, парҳезгарлик.

дили ҳамиша масжид сари мойил бўлган кишини, учинчи — соҳибжамол номаҳрам аёл ўзига чақирса-да, Худойи таъолодан қўрқиб, ўша аёлнинг суҳбатидан юз ўгирган кишини, тўртинчи — Худойи таъоло йўлида бир-бири билан дўст тутинган инсонни, бешинчи—Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан икки кўзини юмган кишини, олтинчи — кофирлар билан жиҳод қилган ва ғозий¹ бўлган кишини, еттинчи — Худойи таъолодан қўрқиб йиғлаган кишини.

Яна хабарда² келишича, анбиёлар гўшти, уларга саломлар бўлсин, ва одил подшоҳ гўшти ер учун ҳаромдир. Бу хабар аҳли ислом қулоғига етгач, улар Нўширвон қабрини очдилар. Унинг вафотидан кўп йиллар ўтган эди. Унинг бадани ян-янги турарди. Пешонасида иккита мактуб бор эди. Биринчисида: «Мамлакатининг зиёда бўлишини хоҳлаган подшоҳ ўз даврининг уламоларини эъзозлашни керак» деб, иккинчисида: «Хазинам кўпайсин деган подшоҳ адолатни маҳкам тутсин», деб ёзилганди.

Нўширвон кофир эди, у оламдан ўтган ва бунга узоқ муддат бўлган эди, адолат хислати унга шундай муомала қилган бўлса, ҳазрати ислом подшоҳига, Аллоҳ уни саломат қилсин, бу дунё ва охиратда адолат хислати янада тўлароқ даражада бўлгусидир.

Боғийлар баёнидаги фасл

Боғий³ шундай кишики, у Қуръони каримнинг таъвилига⁴, Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларига ва мусулмон одил подшоҳга қаршилик қилади. Аммо, Қуръон ва ҳадиснинг таъвилсиз ислом подшоҳи билан ўзаро жангу жадал ва қарама-қаршилик қилувчи жамоат «муфсидийн фи-л-арз»⁵ дейилади, улар «боғий» деб аталмайди. «Ал-ихтиёр шарҳи-л-мухтор» (китоби) да шундай дейилган.

Буларнинг (яъни муфсидийнларнинг) аҳволи боғийдан баттардир. Чунки, тўғриси ҳам шуки, «муфсидийн

¹ Ғозий — жиҳодда енгган киши.

² «Хабар» дейилганда, одада, ҳадис тушунилади.

³ Боғий — фармон ва итоатдан бўйин товловчи.

⁴ Таъвил — Қуръонни бошқача талқин қилиш.

⁵ Муфсидийн фи-л-арз — ердаги бузғунчилар.

фи-л-арз»ларни ўлдириш мумкин ва бу жамоанинг моли аҳли Ислом учун мубоҳдир¹. «Ғарибур-ривоя» (китоби)да шундай дейилган. Аммо, боғий тавба қилгандан сўнг унинг қонини тўкмаймиз ва молига чанг солмаймиз.

Боғий Муовия ва ҳазрати амирул-мўминин Али билан, Аллоҳ ундан рози бўлсин, Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисининг таъвили борасида жанжал қилган Расулаллоҳнинг тобеълари эдилар. Бу ҳадис эса ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган «Ал-аиммату мин Қурайш»² (ҳадиси) эди.

Яна ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Муовия разийаллоҳу анҳуга: «Бу умматга волий (ҳоким) бўлганинда уларга юмшоқлик билан муомала қиласан»,— деган эдилар. Ҳазрати Муовия разийаллоҳу анҳу қурайш (қабиласи)дан эдилар ва Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гапларидан ўзларини хилофат аҳлидан деб эътиқод қилган эдилар. Шу сабабли ҳазрати Муовия разийаллоҳу анҳу хилофатга даъво қилдилар. Бироқ, уларнинг бу эътиқодлари ва бу даъволари ҳазрати амирул-мўминин Али разийаллоҳу анҳу замонида хато ижтиҳод (чиқиш) эди. Аммо, тўғриси шуки, ҳазрати Муовия разийаллоҳу анҳу халифа эдилар ва уларнинг халифалиги ҳазрати амирул-мўминин Али разийаллоҳу анҳудан сўнг ҳақ эди. Ижтиҳодда хато сабабли ҳазрати Муовиянинг фиқҳига ҳукм қилиб бўлмайди, балки мужтаҳид ижтиҳоддан сўнг қанча хато бўлса ҳам савоб топади.

Аммо ҳазрати Муовиянинг лашкарига боғий номни берилган эди. Бунинг сабаби шуки, ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Аммор Ёсирга: «Сени боғий лашкари ўлдиради»,— деган эдилар. Ҳазрати Муовиянинг лашкари ҳазрати Амморни қатл этди. Ҳазрати Муовия лашкарининг боғий эканлигига бошқа далиллар ҳам бор, бироқ бу китоб уни кўтармайди. Агар сўралсакки, нега ҳазрати Муовиянинг лашкарини боғий дейсан, ахир ҳазрати Муовиянинг лашкарида ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васалламнинг улўф саҳобалардан, масалан, ҳазрати Талҳа, ҳазрати Зубайр,

¹ Му бо ҳ — шариат рўхсат берган, амалга оширса гуноҳ ёзилмайдиган ишлар.

² Ал-аиммату мин Қурайш — имом (халифалар) қурайшдан.

ҳазрати Оишаи сиддиқалар. Аллоҳ улардан рози бўлсин, бор эдилар-ку? Жавоб айтганларки, ҳазрати Талҳа ва ҳазрати Зубайр, Аллоҳ ул икковидан рози бўлсин, боғийликдан тавба қилиб, қайтганлар ва бу икки азизнинг тавбалари зоҳир ва ошкор эди. Ҳазрати Оиша разийаллоҳу анҳонинг бу лашкарда бўлишлари боғийлик туфайли эмас, балки «сулҳ байна-л-фариқайн»¹ эди.

Ҳазрати амирул-мўъминин Али разийаллоҳу анҳу ҳилофатининг ҳақиқийлигига далиллар кўп. Далиллардан бири—Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ҳамда ўша даврдаги мавжуд бошқа мусулмонларнинг унга эргашувидир. Бошқа далил шуки, ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам азиз саҳобалар билан ўтирган эдилар. Шунда у муборак қўлларига бир неча майда тошни олдилар. Тошлар баланд овоз билан «Субҳоналлоҳи вал-ҳамдулиллоҳ»ни ўқий бошлади. Бу тасбиҳни шариф мажлисда бўлган жамоанинг бариси эшитди. Шундан сўнг Онҳазрат алайҳис салом майда тошларни ерга қўйдилар. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ разийаллоҳу анҳу бу тошларни ўзларининг шариф қўлларига олдилар. Тошлар баланд овоз билан ўша тасбиҳни такрорлади ва буни ҳамма эшитди. Сўнг амирул-мўъминин ҳазрати Умар, амирул-мўъминин ҳазрати Усмон ва амирул-мўъминин ҳазрати Али, Аллоҳ улардан рози бўлсин, бирма-бир ўша тошларни ўзларининг латиф қўлларига олдилар. Тошлар Расул саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўлларида қандай тасбиҳ айтган бўлса, уларнинг қўлларида ҳам шундай овоз билан тасбиҳ айтди. Шундан сўнг ҳазрати Аби Зарр тошларни қўлларига олдилар, бироқ тошлар Аби Зарр қўлида тасбиҳ айтмади. Ҳазрати Аби Зарр ҳазрати Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга: «Ё Расулаллоҳ, бу тошлар бу ҳазратларнинг қўлларида тасбиҳ айтди, менинг қўлимда нега айтмаяпти?» — дедилар. Онҳазрат алайҳис салом Аби Заррга: «Хулафойи рошидинга² тенг бўлишни хоҳладингми?» — дедилар. Онҳазрат амирул-мўъмин Али разийаллоҳу анҳунинг ҳам халифа дедилар, демак, маълум бўлдики, Али разийаллоҳу анҳу ҳам халифа эдилар.

¹ Икки фирқа орасидаги сулҳ.

² Хулафойи рошидин — тўғри йўлдан кетган халифалар, яъни Абу-Бакр Сиддиқ, Умар, Усмон ва Али.

Ҳазрати Муовиянинг халифалари

Махфий қолмасинким, ҳазрати Муовия разийаллоҳу анҳу олим эдилар. Ҳазрати амирул-мўъминин Али разийаллоҳу анҳудан сўнг ўз халифалиги айёмида адолатни ишга солдилар ва ислом аҳлига юмшоқлик билан муомала қилдилар.

Язидга лаънат ўқишда ихтилоф борлиги

Аммо, Язид Муовия разийаллоҳу анҳуга қарама-қарши ўлароқ иш тутиб, ароқ ичарди, ашула ва ўйинга берилди, ўз аҳлидан Ҳақни манъ этди ва Аллоҳу таоло динида фосиқ¹ бўлди.

Масъала

Фақиҳ (олим)лар Язидга лаънат ўқишда ихтилоф қилганлар. Баъзилар айтадиларки, лаънат жойиз эмас, чунки у қибла аҳлидандир, икки йил мусулмонларнинг имоми (халифи) бўлди. Баъзиларнинг айтишича, лаънат жойиздир, чунки у Имоми Ҳусайн разийаллоҳу анҳуни қатл этишни тавсия қилди, шу сабабли кофир бўлди. Баъзилар айтадиларки, Язид Имоми Ҳусайн разийаллоҳу анҳуни қатл этишга буюргани йўқ, лекин жамоани Имоми Ҳусайнга байъат² қилиш учун юборди ёки Имоми Ҳусайнни ўз ҳузурига олиб келиш учун жўнатди, ўшал жамоа унинг фармонисиз Имоми Ҳусайнни шаҳид қилди. Бироқ, тўғриси шуки, агар Язид Имоми Ҳусайн қатлига амр қилган бўлса ёки шунга рози бўлган бўлса, демак, унга лаънат ўқиш жойиздир, аксинча бўлса, жойиз эмас. «Ат-тамҳид» китобида ҳам шундай.

Жиҳод баёнидаги фасл

Махфий қолмасинким, фожир¹ кофирлар билан жиҳод қилиш ёқимли амалларнинг энг улуғидир, чунки Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир кун жиҳодда

¹ Фосиқ — диний ишларни бажармайдиган киши.

² Байъат — бирон томонга ўтиш, таслим бўлиш.

³ Фожир — ярамас ишлар билан шуғулланувчи.

бўлиш дунё ва дунё ичидаги барча нарсалардан яхшироқдир»,— деганлар. Ҳазрати Расул алайҳис салом яна: «Мужоҳид¹ Аллоҳ йўлида кофирдан бошқа киши томонидан ўлдирилса ҳам, то қиёматгача савобли иши кесилмайди, унга савоб ёзиб турадилар ва мужоҳид қабр фитнасидан² ҳам озоддир»,— деганлар.

Яна Онҳазрат алайҳис салом: «Жиҳодда шаҳид бўлишни Худойи таъолодан тилаган киши жиҳоддан бошқа нарса билан ўлса ҳам, Худойи таъоло ул мусулмонга шаҳидларнинг мартабасини беради»,— деганлар.

Саҳиҳ ҳадисда келтирилишича, Худо йўлида жиҳод қилганлар жаннатга кириб, ўзларининг латиф жойларини кўрганларида ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолога арз қилиб; «Эй бор Худоё, бизнинг руҳларимизни жасадларимизга қайтар, то кофирлар билан жанг қилайлик, яна кайтадан шаҳидлик даражасига етайлик, бизга бу мартаба такроран етсин»,— дейдилар.

Яна ҳадисда келганки, анбиёлардан, хулафойи рошидинлардан ва ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам авлодларидан ташқари одамларнинг энг афзали — жиҳодда ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло йўлида шаҳид бўлган мусулмондир. Яна ҳадисда айтилганки, кофирнинг қотили дўзахга дохил бўлмайди.

Ўз жони, молли ва бошқалари билан жиҳод қилишнинг фойдалари ва фазилатлари жуда кўпдир, бу китоб уларнинг ҳаммасини ўз ичига ололмайди.

Жиҳоднинг сифати масъаласи

Билгинки, жиҳод «фарзи кифоя»дир³. Агар аҳли исломдан баъзилари бировнинг ўрнига жиҳод қилса, жиҳод унинг зиммасидан соқит бўлади, бироқ ҳамма уни тарк этса, гуноҳкор бўлишади. Бу гўё жапоза намози ва саломга жавоб қайтаришга ўхшашдир.

Аммо, жиҳоднинг фарзлигига сабаб шу ваяданки, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло буюради: «Уқтулу-л-мушриккийна коффатан»⁴. Ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам: «Жиҳод то қиёмат кунигача фарз си-

¹ Му жо ҳ и д — дин учун жиҳод қилувчи.

² Қабр фитнаси — яъни қабрда бериладиган азоб.

³ Фарзи кифоя — фикҳшуносликдаги махсус истилоҳ, бир киши қилса бошқалар ҳам қилганга ўтаверадиган амаллар.

⁴ Мушрикларнинг барчасини ўлдиришлар.

фатида боқийдир», — деганлар. Унинг «фарзи кифоя» бўлиши шу важданки, жиҳоднинг фарзиятлиги ўз зоти учун эмас, балки ундан мақсад Аллоҳу таъоло динини эъзозлаш ва кучайтириш ҳамда мусулмонлардан зарарни даф этиш учундир. Демак, дин кучайса ва зарар фақат баъзи аҳли исломдан кўтарилса, бошқаларга у нега керак бўлсин, масалан, жаноза намози ва саломга жавоб каби¹. Бироқ, кофирлар ҳужум қилиб, аҳли ислом устига бостириб келсалар ва аҳли ислом уларнинг ҳужумини қайтаришга қодир бўлмаса, у пайтда жиҳод барчага «фарзи айн»² бўлади. Ғарб ва Шарқдаги барча ислом аҳли ҳужум қилинган ислом аҳлига яқин бўлсалар, жиҳод уларга ҳам фарзи айн бўлади. Кофирларга мубтало бўлган ислом аҳлига яқин турган мусулмонлар уларга ёрдам бермасалар, барчаси тенг гуноҳкор бўладилар. Аммо, шу шарт биланки, бу ҳақдаги хабар уларга етиб келган бўлса ва хабардан сўнг ёрдам беришдан бош тортган бўлсалар.

М а с ъ а л а

Агар ислом подшоҳи, унинг сояси одамлар устига ёйилсин, ўзининг музаффар аскарлари билан жанг майдонига давлату иқбол билан жиҳод учун нузул қилсалар, у пайтда Онҳазрат (подшоҳ)га лозимки, аввало жанг аҳлини исломга чақирсишлар ва дини исломга ҳидоят қилсинлар, токи одамлар билсинки, Онҳазратнинг ташриф буюришлари дини исломни ривожлантириш ва уни юксалтиришдир, мол олиш, аёллар ва болаларни қул қилиш эмас. Агар жанг аҳли ҳазрати подшоҳ ҳидоятидан сўнг Ислом шарафига мушарраф бўлса, уларнинг хуни тўкилмайди ва моли олинмайди. Ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар гал ўз асҳобларидан ва ҳарбий амирларидан ҳар кимни кофирлар устига юборсалар, уларга васият қилардилар ва кофирларни «ло илоҳа илаллоҳ»га шоҳидлик беришга чақиринларини буюрардилар. Ҳазрати Ислом подшоҳининг ҳидоятга чақирини, хусусан, подшоҳнинг ҳидояти сабабли кофирларнинг ислом шарафига мушарраф бўлишидан ислом

¹ Жаноза намозини озчилик ўқиса ҳам кўпчилик ўқиганга ўтаверади, саломга жавобни бир киши берса ҳам бошқалар берганга ўтаверади ва бу фарзи кифоя ҳисобланади.

² Фарзи айн — ҳар бир одам ўзи шахсан қилиши керак бўлган фарзлар, масалан, таҳорат қилиш ва намоз ўқиш каби.

подшоҳига улуг савоб етгусидир. Чунончи, ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати амирул-мўминин Али разийаллоҳу анҳуга: «Эй Али, агар битта кофирни ислом йўлига ҳидоят қилсанг, барча кофир аҳлини ўлдиргандан яхшироқдир», — деган эдилар.

Агар ислом йўлига ҳидоят килингандан сўнг исломдан бош тортсалар, бу жамоат жузъя¹ беришга даъват қилинади. Агар жузъя тўлашдан ҳам бош тортсалар, ҳазрати ислом подшоҳи ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодан кўмак тилаб, бу жамоатга қарши уруш ва жангга киришади. Онҳазратнинг муборак раъйлари шунга қарор топсинки, то ўша жамоатнинг шавкат ва савлати синсин.

М а с ъ а л а

Куфр аҳли билан уруш қилиш мумкин, агар уларнинг ичида ислом аҳлидан қанча бўлса ҳам, масалан, савдогарлар, амирлар каби. Куфр аҳли ўз ичларидаги ислом аҳллариини бўшатиб юборсалар ҳам барибир. Бироқ, жанг асносида ислом жангчисининг қасди шундай бўлсинки, мен ўқни кофирга отяпман, десин. Агар ўқ мусулмонга тегса ва мусулмон ўлса, мусулмонни ўлдиргани учун ҳеч нарса лозим бўлмайди. Агар айтилсаки, Расул алайҳис салом: «Исломда ботил қон тўкиш йўқ», деганлар, шундай экан, нима учун бу қатл сабабли қотилга ҳеч нарса лозим бўлмайди? Бу эътирозга шундай жавоб айтиладики, умум (кўпчилик)дан бу ҳадис (маъноси) кўтарилади. Қароқчилар, боғийлар, «муфсидийни фи-л-арз», шунингдек, бир нарса устида низо қилувчилар (мутанозий фийҳи) бу ҳадисдан чиқарилади. Зикр қилинганларни бу ҳадисдан чиқариш далиллари хитобларда муфассал баён этилган.

М а с ъ а л а

Жанг аҳлидан (кофирлардан) бирор хотин ё бирор гўдак ёки қария жойида қолган бўлса ёхуд қаршиликдан қўли ёки оёғи кесилган киши бўлса ёки жойида қолган киши бўлса-ю, қари бўлмаса, ислом лашқари бу тоифаларни қатл қилмайди. Бироқ, уларнинг жанг қи-

¹ Жузъя — мусулмонлар ичида яшовчи бошқа диндаги кишилардан жон бошига олинадиган солиқ.

лиш фикрлари борлиги билинса, у тақдирда уларни қатл этиш мумкин.

Масъала

Лойиқ ва сазовордирким, ислом аҳли аскарлари жанг аҳли (яъни кофирлар) билан аҳдни бузмасликлари, ганимат (бойлик)ни ўғирлик йўли билан олмасликлари, жанг аҳлининг қулоқ, бурнини кесмасликлари, Аллоҳ яратган нарсаларни ўзгартирмасликлари, масалан, кўзни кўр қилмасликлари яхши. Чунки ҳазрати Расул саллаллоҳу алаҳи васаллам бирор хутба ўқимаганларки, бу хутбада юқоридаги ишлардан қайтармаган бўленилар. Айтилсаки, ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам Яъни вазоғл гоқасида шундай қилган эдилар-ку? Айтиладики, бу иш ундан кейин манъ бўлди. Валлоҳу аълам.

Масъала

Ҳазрати ислом подшоҳига барча кофир аҳли ёки унинг баъзиси билан сулҳ қилмоқ жонздир. Шундай тартибдаки, фалон муддатгача бу жамоа билан жанг тўхтатилади деб (борди-ю, аҳли исломнинг маслаҳати сулҳ бўлса). Чунончи ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам Макка аҳли билан Ҳудайбия йилида аҳли ислом фойдаси учун жангни ўн йил тўхтатиш ҳақида сулҳ қилган эдилар. Бироқ, аҳли ислом маслаҳати сулҳ учун бўлмаса, сулҳ тузилмайди.

Агар ҳазрати ислом подшоҳининг раъйи, аҳли ислом учун аҳдни бузиш фойдалироқ эканига қарор топса, Онҳазратга бундай йўл тутиш имкони бор. Бироқ, бу ҳол юз берганда ислом аҳли кофир аҳли устига дарҳол ҳужум қилмаслиги керак. Сулҳ бузилгани ҳақидаги хабар кофирларга етиб боргудек муддатга тўхтаб туриш лозим. Шундан сўнггина ҳарб аҳли билан жангга киришади. Борди-ю, кофирлар сулҳни бузсалар, ислом аҳли эса бузмаган бўлса, у пайтда ислом аҳли у жамоат билан уруш қила олади. Ислом аҳли кофирлардан мол олмасдан сулҳ тузишлари жонздир. Кофирлардан мол олиб, сулҳ тузиш эса яхшироқ жониз бўлғусидир. Мол олиб, сулҳ тузиш шундай пайтда жойиз бўладики, борди-ю, ислом аҳлининг ўша молга хожати тушса, Аҳли ислом учун молга ҳожат бўлмаса ва ислом подшоҳига

нафи бўлмаса, сулҳ тузмайдилар. Ҳазрати ислом подшоҳи душман ерини (дори ҳарб)ни қамал қилмасдан асло сулҳ тузмаслиги керак, бироқ ислом аҳлининг ҳалок бўлиш хавфи бўлса, хавф олдида сулҳ тузиш жойиздир. Хавф йўқ пайтида сулҳ тузиш жойиз эмас, акс ҳолда бу сулҳдан ислом аҳлига хорлик келади.

М а с ъ а л а

Ҳазрати ислом подшоҳи аҳли исломга кофирлар учун жанг қуроли, от ҳамда душман учун қувват бўладиган ҳар қандай нарсани сотишни манъ этади. Лекин, бу ҳукмдан таом ва либос мустасно. Ҳадисдан шундай баён қилинган.

М а с ъ а л а

Кофир аҳлида бўлган эркак асирлар борасида ҳазрати ислом подшоҳи уч ишдан бирини ихтиёр қилади. Биринчи — бузуқлик (фасод) моддаси қирқилиши учун уни қатл этади. Иккинчиси — қул қилади, бунда мазкур жамоанинг ёмонлиги мусулмон фойдасига даф бўлади. Учинчиси — озод қолдиради, ва улардан жузъя олинади, аммо жанг майдонига юборилмайди, борди-ю, бу асир араб мушрикларидан бўлмаса. Агар араб мушрикларидан бўлса, у пайтда ҳазрати ислом подшоҳи ундан жузъя қабул қилмайди. У ҳақидаги ҳукм—ўлим ёки қул қилишдир.

Ҳазрати Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг фикрлари шундайки, агар душман томон ҳазрати ислом подшоҳига хабар юборсаки, қўлимизга тушган ислом аҳлидан бўлган асирларни биз уларга юборамиз, ислом аҳли бунинг эвазига ўзларининг қўлларига тушган бизнинг одамларимизни бизга юборсинлар. Онҳазрат уларга қарши бу таклифни қабул қилмайди. Ҳазрати Имоми Аъзам мазҳабида шунга фатво берилган. Шунингдек, асирлар эвазига душмандан мол олиш ҳам машҳур ва мўтабар ривоят билан жоиз эмасдир.

Баъзи фақиҳларнинг фикрича, ислом аҳлининг молга муҳтожлиги бўлса, кофирларнинг молини олиб, ҳарбий асирларни ҳарб аҳлига юборишлари жойиздир. Агар ҳарбий кофир ислом аҳлига асир тушиб, ислом шарафига мушарраф бўлган бўлса, бу мусулмонни ҳарб аҳлига юбориб, у ердаги ўз мусулмонларини унга ал-

маштириши жойиз эмас, борди-ю, ҳарб аҳли орасига боришга бу мусулмоннинг ўзи рози бўлса, унда жойиздир.

М а с ъ а л а

Ҳазрати ислом подшоҳи душман ери (дори ҳарб)ни олгач, қаҳру ғалабада ихтиёрлидир. Агар хоҳласалар, душман ерларини ислом аҳли лашкари орасида тақсим қилади Чунончи, ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳайбарни фатҳ этганларида ўлжаларни ва Ҳайбар ерларини ислом аҳли лашкари орасида тақсим қилган эдилар. Ислом подшоҳи, агар хоҳласалар, бу жамоани озод қолдирадилар ва бу жамоанинг ерларини ҳирожи мулкига айлантирадилар ва бу жамоага ҳирожи юклайдилар. Чунончи, ҳазрати амирулмуъминин Умар разийаллоҳу анҳу Ироқни фатҳ этганларида бу жамоанинг ўзига қолдириб, ҳирожи солган эдилар. Бу воқеа ҳазрати Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларининг ҳузуринда юз берган эди.

Бези фақиҳларнинг фикрича, яхшиси шуки, агар ғонимлар¹ муҳтож бўлсалар, ҳазрати ислом подшоҳи душман ерларини ғонимлар ўртасида тақсимлаб берадилар, агар муҳтож бўлмасалар, қолдирадилар. Валлоҳу аълам.

М а с ъ а л а

Махфи қолмасниким, ҳазрати Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам замонларидан аввал осмоний ҳукм бўйича ғанимат (ўлжа) молни ва қурбонликни оловга ташлаб ёқардилар. Ундан фойдаланишга рухсат йўқ эди. Қабуллик аломати шу эдики, олов буларни ўзига қабул қилиб олар, ислом аҳлидан ғанимат моли ҳақида бирор узр юз берса, то ўша узрлик иш йўқотилмагунча олов ғаниматнинг қолганини қабул қилмас эди. Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи васаллам қилган дуоларининг баракати туфайли қурбонлик ейиш ва ғанимат молни ғаниматга олганлар орасида тақсимлаш мубоҳ (рухсат) бўлди, куйдириш манъ этилди.

Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи васаллам замонларидан аввал яна шундай эдики, агар бирор мусулмон

¹ Ғоним — босиб олувчилар.

пинҳона гуноҳ қилса, тавба билан ундан бу гуноҳ соқит бўлмас эди. Унинг ҳовлисига ёки пешонасига: «Бу банда фалон гуноҳни қилди, бунинг азоби ва каффорати¹ фалондақа», — деб ёзиб қўйишарди. Бу ишни қилган одам то каффоратини жойига қўймагунча, унинг ховлиси ёки пешонасидаги ўша ёзув ўчмас эди.

Яна бири шу эдикн, мусалло² мулкидан ёки масжиддан ташқари жойда намоз ўқиш мумкин эмасди. Ислон аҳлига эллик ракаат намоз фарз бўлганди. Закот эса молдан чорак қисм олинарди. Сув йўқ бўлганда таяммум³ қилишга рухсат йўқ эди. Агар бировнинг либосига нажосат (ифлослик) тегса, унинг шу жойи кесиб ташланмаса, тоза ҳисобланмасди, ҳатто ўша либос қимматбаҳо бўлса ҳам. Ювган билан нажосат ўрни тоза ҳисобланмасди.

Бирор киши ўз хотинини талоқ қилса, то ўша хотин ўлгунига қадар бу кишига бошқа хотин ҳалол бўлмас эди. Онҳазрат алайҳис саломнинг дуолари баракатидан бу барча қийинчиликлар мусулмонлардан кўтарилди. Алҳамдулиллоҳи ва-л-минна.

М а с ъ а л а

Ҳазрати ислон подшоҳи ғанимат молини беш саҳм (ҳисса)га тақсим қиладилар. Тўрт тир (ҳисса)ни жангда бўлган ислон лашкарига берадилар. Ҳазрати Имоми Аъзам раҳимаҳуллоҳ⁴ кўрсатмаларига кўра, отлиққа икки ҳисса, пиёдага бир ҳисса беришади. Имомайн⁵ раҳимаҳумуллоҳ⁶ фикрларича, отлиққа уч ҳисса, пиёдага бир ҳисса берилади. Буларнинг қондаси муфассал баён қилувчи китобларда мавжуд.

Беш ҳиссадан қолган бир ҳиссани ҳазрати ислон подшоҳи етимларга, камбағалларга, ибни сабил (мусофирлар)га тақсим қилади. Ҳазрати Рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга яқин бўлган фақир жамоа ҳам шу уч тоифага киради. Аммо ояти каримадаги ҳазрати Аллоҳ таъолонинг зикри табаррукан келтирилган,

¹ Каффорат — қилинган гуноҳи, ичилган қасамни ювишга бағишланган амал.

² Мусалло — масжид.

³ Таяммум — тўпроқ билан таҳорат қилиш.

⁴ Раҳимаҳуллоҳ — Аллоҳ уни раҳмат қилсин.

⁵ Имомайн — икки имом.

⁶ Раҳимаҳумуллоҳ — ул икковини Аллоҳ раҳмат қилсин.

чунки Аллоҳу таъолонинг молга эҳтиёжи йўқ, балки барча бойликлар Аллоҳу таъолонинг мулкидир.

Ҳазрати Расул алайҳис саломнинг ҳиссалари уларнинг вафотлари туфайли соқит бўлди, чунончи, васфий Онҳазратнинг вафоти сабабли соқит бўлди. Васфий шундай молки, Онҳазрат саллаллоҳу алайҳи васаллам ғанимат молидан ўз ашраф зотлари учун ихтиёр қилган эдилар, чунончи зулфиқор, канизак, зириқ ва бошқалар, Ҳазрати ислом подшоҳига ҳам жанг аҳли бўлмаган жамоага, масалан, гўдакларга, қул ва зиммийларга¹ ғанимат молидан беришлари жоиздир.

М а с ь а л а

Ҳазрати ислом подшоҳига аскарни кофирлар жангига тезлаш учун: «Ҳар ким кофирни қатл этса, унинг оти, либоси ва қуроллари шу қатл этганга бўлади», — дейишлари жоиздир.

М а с ь а л а

Ҳазрати подшоҳ ғанимат молини жанг ерида тақсимлашга буюрмайдилар, дори саломга² келгач, юқорида айтилган қондага кўра тақсимлашга амр этадилар.

М а с ь а л а

Ҳазрати ислом подшоҳига дори ҳарбнинг³ фатҳи муяссар бўлмаса, Онҳазратнинг муборак раъйи дори исломга қайтишни тақозо қилса, шарнат ҳукми шуки, душман қўлидан ислом аҳлига ўтиб қолган нарсаларни дори исломга олиб бора олмасликни гўмон қилсалар, ҳайвонларни сўйиб, куйдириб юборадилар ва бошқа нарсаларни душман топиб олмаслиги учун бирор ерга кўмадилар.

¹ Зиммий — мусулмонлар ичида яшовчи ғайридинлар.

² Дори салом — ўз ери.

³ Дори ҳарб — душман ери.

М а с ъ а л а

Агар кофирлар, Аллоҳ ўзи бизни сақласин, мусулмонлар юртига келиб, ислом аҳлининг молларини талаб, дори ҳарбга олиб кетсалар, бизнинг уламоларнинг фикрича, кофирлар мусулмонларнинг молларини дори ҳарбга олиб чиққанларидан сўнг уларга эгалик қиладилар. Аммо шу аснода ислом аҳли дори ҳарбга бориб, кофирларнинг молларини ғаниматга олиб, дори исломга¹ келтирсалар, кофирлардан олинган моллар ҳам тақсимланмасдан туриб, эски эгаси ўз молини ҳеч қандай бадалсиз олади, тақсимлангандан кейин эса қийматини бериб олишга ҳақлидир. Аммо, кофирлар дори ҳарбга олиб кетган молларни савдогарларимиз дори саломдан қайтариб олиб келсалар, жанг ерида кофирлардан сотиб олиб, дори саломга келтирсалар, эски эгаси унга эгалик қилишга ҳақли. Бироқ, савдогарларимиз кофирга бериб сотиб олган қийматни савдогарга берадилар. Агар ҳарбий кофир молни бирор мусулмонга совға қилиб берган бўлса, совғани қабул қилувчи уни дори саломга олиб келса, унинг эски эгаси бу молни қийматини бериб, қайтариб олади. Валлоҳу аълам.

М а с ъ а л а

Агар бирорта кофир ҳазрати ислом подшоҳидан омонлик тиласа, агар у қўйиб юборилса, дори саломга тижорат билан келаман деса, Онҳазрат буни қабул қиладилар, шундай тартибдаки, унга: «Биз сенга бир йилга омонлик бердик, дори исломда бир йил турасан, бир йил тўлмасдан дори ҳарбга қайтмоқчи бўлсанг, қўймаймиз. Агар дори ҳарбга қайтсанг, ул мавзеда жузъя тўлатиб, кофири зиммийга айлантирамиз»,— дейдилар.

Ҳазрати ислом подшоҳи унинг омнини қабул қилганларидан сўнг, у модомики дори саломда экан, омон қондаси бўйича унинг қони ва молига тегмайдилар. Агар бу омон тилаган кофир бир йилгача дори саломда бўлса, шундан сўнг уни дори ҳарбга кетгизмасалар, унга жузъя солиб, зиммий қилиб қўядилар.

¹ Дори ислом — ислом юрти, мамлакати.

Масъала

(Жузъя масъаласи)

Ҳазрати ислом подшоҳи зиммий кофирга соладиган жузъяни шундай тартибда соладиларки, агар кофир бой бўлса ва моли кўп бўлса ва моли ўзига кифоя қилса ва унинг касб қилишга (топишга) эҳтиёжи бўлмаса, ундан ҳар ойда тўрт дирҳам оладилар. Агар унинг моли ўзига кифоя қилмаса ва касб қилишга (топишга) эҳтиёжи бўлса, ундан ҳар ойда бир дирҳам оладилар.

Муртад¹ кофирдан ва араб мушрикларидан бўлган кофирдан жузъя олинмайди, негаки уларнинг кофирлиги галъдир².

**Ушр, хирож ва унинг сарфи ва унга муносабати
бор ишлар баёнидаги, яна ислом подшоҳига
тааллуқли ишлар баёнидаги фасл**

Масъала

Юқорида айтиб ўтилган эдикки, кофир аҳли қўлида бўлган юртлардан бири ислом аҳли қўлига ўтса, ҳазрати ислом подшоҳи қаҳр ва ғалабага ёки бу юрт ерларини куфр аҳлига қолдиришга ва халқни озод этишга ва хирож солишга ихтиёрли эдилар. Ёки ерларни аҳли исломга тақсимлаб, кофирларни ўлдирмай, аҳли исломга қул қилиб берарди. Бу ҳукмдан Маккан муаззама ва Макка аҳли мустаснодир. Ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам Маккан муаззамани қаҳру ғалаба билан эгалласалар ҳам, Маккан муаззама ерини аҳли Маккага қолдириб, хирож солмадилар. Макка аҳлини эса аҳли исломдан ҳеч бир кишига қул қилиб бермадилар. Бу Макканинг ва Макка аҳлининг шарофати туфайли эди.

Икки хил хирож масъаласи

Хирож икки хил бўлади. Биринчиси хирожни муваззаф¹ бўлиб, ернинг ҳар бир ганоби ҳисобидан тўланади.

¹ Муртад — ўз динидан қайтган киши.

² Галъа — бу ерда оғир маъносда.

Иккинчи хили хирожи муқосама² дейилади. Хирожи муқосама шундай хирожи, ерда ўсган нарсаларга ислом подшоҳининг ҳақи бўлиб, бу маҳсулдан чорак, учдан бир ёки шунга ўхшаш хирож олади. Гарчи бу ер куфр аҳлидан ислом аҳлига олди-сотди қилинган, совға ёки бундан бошқа мулк асбоблари бўлсин, хирож ўзгармайди.

Шунингдек, ҳазрати ислом подшоҳи кофир аҳлининг асирларини ислом аҳлига қул қилиб берган бўлсалар ҳам, бу асирлар ислом динини қабул қилганларидан кейин ҳам, барибир озод киши бўлмайдилар.

М а с ъ а л а

Қаҳр ва ғалаба билан фатҳ бўлган дори ҳарб (душман ери)ни ислом подшоҳи куфр аҳлига бермай, балки уни босиб олган ислом аҳлига тақсим қилган бўлса, бу ер ушрий ер ҳисобланади. Шунингдек, ҳарб аҳли ерлари ҳам, борди-ю, ҳарб аҳли ўз хоҳиш ва иродаси билан мусулмон бўлган бўлсалар, уларнинг ерлари ҳам ушрий ҳисобланади. Шу сабабли баъзи китобларда келтирилишича, Бухоро ерлари хирожия саналади. Аммо, Талли Марасон ери бундан мустасно бўлиб, унинг ери ушриядир, чунки Талли Марасон мавзеининг аҳли ўз хоҳишлари билан мусулмон бўлганлар, бу Бухоронинг акси бўлиб, Бухоро қаҳру ғалаба билан фатҳ этилган. Бухоро аҳлининг ерлари Бухоро аҳлига берилиб, бу халққа хирож солинган.

Хирож ва жузъанинг сарфи ва аҳли куфлардан жангсиз олинадиган нарсалар баёнидаги фасл

Бу нарсаларнинг сарфи ислом аҳлининг ишлари ва фойдаси учундир. Масалан, кофир аҳлининг дори исломга келишини тўхтатадиган ишларга, дарё ва анҳорлар устига қуриладиган кўприклар ва шунга ўхшаш нарсаларга сарф этилади. Бундан ташқари яна бу моллар ҳазрати ислом подшоҳи, Онҳазратнинг тобеълари, куфр аҳли билан жангга тайёр кишилар, тафсирчилар, ҳадисчилар, муфтийлар, шарнат илмларини

¹ Муваззаф — тайин қилинган.

² Муқосама — бировга бирор нарса бериш, ўзаро қасам ичиш.

Ўрганувчи талабалар, қозилар, муҳтасиблар, содот (сай-ийд)лар, имомлар, муаззинлар ва ўз жонини аҳли исломга хизмат қилишга бағишлаган ва нафақа олишга ҳақли бўлган жамоага сарф этилади.

Дори ҳарб ва куфр аҳли ҳамда Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ фатвоси бўйича буларнинг ҳукмлари баёнидаги фасл

Дори ислом то дори ҳарбга айланиши учун дори ҳарбдан қирқилган бўлиши керак, бу шундай маънодаки, дори ислом билан дори ҳарб ўртасида дори исломдан бир дор (ер, мавзе) бўлмаса, яна унда аҳли ҳарб ҳукмлари юриб турган бўлса, мусулмонлардан ҳеч бири бундан омонда бўлмаса. Бироқ, ҳазрати имомайн (имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммад) наздида, кофирлар ҳукмининг юриб туриши билан дори ислом дори ҳарбга айланади, бу ислом ҳукмларининг юриши билан дори ҳарб дори исломга айлангани кабидир.

Ҳирот шаҳрини раҳматли хоқон ҳазрати Абдуллаҳон қамал қилганда Бухородаги маҳдумларга ҳукм юбориб: «Ҳирот дори ҳарбми ёки йўқми, бу саволга жавоб ёзиб юборинглар», — деб савол қилган эдилар. Бу китоб қораламасининг катта отаси илмларда мукамал ва шариф фатво ишларида олим бўлиб, Бухорода фатво ишига машғул эдилар, барча уламолар билан ўзаро маслаҳатлашиб, мўътабар китоблардан кўриб, гадқиқ қилиб, фатво ёзиб, Бухоронинг барча азиз (олим)лари бу фатвони ўз муҳрлари ва ишонлари (тавқиъ) билан зийнатлаб, жўнатиб юбордилар.

Ҳиротнинг дори ҳарб бўлганлиги ҳақида Бухоро аҳли чиқарган фатво тасвири

Бу фатво қуйидаги тартибда таҳрир топган (яъни ёзилган) эди:

«Қизилбошлар тонфасидан бўлган машҳур кофир ва фожирлардан бир тўдаси етмиш йил, балки ундан ҳам кўпроқ муддат ислом шаҳарларидан бир шаҳарни эгаллаб турган бўлсалар, аҳли суннат ва жамоат мазҳабини бутунилай тойдирган бўлсалар, ёқимсиз шнъа йўлини ошқор қилган бўлсалар, ҳатто уларнинг қози ва ҳокимлари ҳам шнъалардан бўлса, икки ҳазрати

шайхга¹ ва ҳазрати Оишан сиддиқага, уларнинг ҳаммасидан Аллоҳ рози бўлсин, ҳақорат ва лаънат сўзларини юборсалар, бу шаҳар аҳли шу кофирлар замонида туғилган бўлсалар ва улар билан келишиб, мослашиб яшаётган бўлсалар, мутъа² никоҳи ижмоъ³ билан ботил деб эълон қилинганига қарамай, уни тўғри деб эътиқод қилсалар, ислом замонида бирорта мўъмин ҳам улардан омон бўлмаса, шарият бўйича, аълоҳазрат, халифани жаҳон, соҳибқирон, ҳазрати подшоҳи ислом, Аллоҳ унинг соясини одамлар устига ёйсин, бу кофир ва фожир жамоа ҳамда мазкур ишларда уларга мувофиқлик қилган бошқа жамоага қарши уруш қилишлари фарзидир.

Дори ҳарбга ёпишиб турган шаҳар ҳам Имоми Аъзам, Имоми Абу Юсуф ва Ҳазрати Имоми Муҳаммад, Аллоҳ улардан рози бўлсин, фатволари бўйича дори ҳарб ҳисобланади. Агар Онҳазратга маълум бўлсаки, шу шаҳарда мусулмон бўлган қайсидир киши ишларда бу жамоага келишувчилик қилаётган⁴ бўлса, унинг хуни ва молига тегилмайди ҳамда унга зўрлик қилиш жойиз эмас. Агар ислом аскарлари бу жамоани ўлдирса, шариятга кўра, ўлдирилган кофири фожир жаҳаннамга лойиқ бўлиб, абадий оловда ёнади. Агар, бундан Аллоҳнинг ўзи асрасин, ислом аскарларидан бирор киши ўлса, боқий биҳишти анбарсиришга ноил бўлади.

Махфий қолмасинким, агар бир мусулмонни кофир аҳли дори ҳарбда асир қилиб олиб кетса, Аллоҳ бундан асрасин, уни ислом динидан чиқиб, кофирлар динига киришга мажбур қилсалар, агар бу мусулмон уларнинг буйруғига амал қилмаса, кофир аҳлининг бу мусулмонни ўлдириш ҳавфи бўлса, шариятнинг ҳукмига биноан, бу мусулмон дилда иймонини маҳкам қилиб, тилда кофирлик изҳор қилса, ҳалол (мумкин)-дир. Бироқ зўрлашганига ҳам қарамай, сабр-тоқат қилса, охири ўлдирса, улур савоб топур.

¹ Икки шайх — Абу Бакр Сиддиқ ва Ҳазрати Умар.

² Мутъа — вақтинча хотин қилиб, сўнг қўйиб юбориладиган аёл.

³ Ижмоъ — бирор масала юзасидан уламоларнинг ўзаро чиқарган ҳукмлари.

⁴ Бу ерда, аксинча, қилмаётган бўлса керак.

Ҳазрати Ҳабиб ва Амморнинг кофирликка мажбур қилинишлари

Ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида Онҳазрат алайҳис салом асҳобларидан икки нафари: бири — Ҳабиб Ажамий, иккинчиси — ҳазрати Аммор Ёсир, Аллоҳ улардан рози бўлсин, қурайш кофирларининг қўлига тушиб қолдилар. Уларни Маккага олиб боришди. Бу икки азизни ўлим билан қўрқитиб: «Бизнинг илоҳимизни мақтаб, Муҳаммаднинг ёмонлайсан», — деб мажбур қилдилар. Ҳабиб Ажамий разийаллоҳу анҳу кофирлик изҳор қилмадилар, кофирлар уларни шаҳид қилдилар. Аммор Ёсир қўрқув сабабли кофирлик изҳор қилдилар. Шундан кейин ҳазрати Аммор кофирлардан қочиб, ҳазрати Набавий саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб, ҳазрати Ҳабиб Ажамий ҳамда ўзининг воқеасини айтиб бердилар. Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Ҳабиб Ажамий ҳақида: «У шаҳидларнинг саййиди ва жаннатда менинг рафиқимдир», — дедилар. Ҳазрати Амморга: «Ўша пайтда дилинг қандай ҳолатда эди?», — дедилар. Ҳазрати Аммор Расул саллаллоҳу алайҳи васалламга: «Дилим иймон билан маҳкам эди», — дедилар. Онҳазрат алайҳис салом ҳазрати Амморга: «Бу хил воқеа сен учун яна такрорланса, яна ўз дилингни иймон билан маҳкам тут», — дедилар.

М а с ъ а л а

Агар ислом аҳли дори ҳарбда илону чаён топиб олса, уларни ўлдирмасинларки, у ерда илону чаённинг насли қирқилади, уларни ўлдиришдан эса кофирлар наф кўради. Борди-ю, дори ҳарбдаги илону чаёнлардан аҳли исломга зарор ҳосил бўлса, чаённинг думини кесиб, илоннинг тишини қоқиб, қўйиб юборсинлар. («Тотторхонийа» китобида шундай ёзилган).

**Саккиз нарсани ислом аҳли тарк қилса,
гуноҳкор бўлишлари ҳақидаги
масъала**

Саккиз нарса борки, агар халойиқ уларни тарк этса, ҳаммаси гуноҳкор бўлади:

биринчи — Аллоҳ йўлидаги жиҳодни;

иккинчи — мурдани ювишни;
учинчи — мурдани кафанлашни;
тўртинчи — мурдага жаноза ўқишни;
бешинчи — фатво беришни;
олтинчи — жума кунлари хутбада ҳозир бўлишни;
еттинчи — икки ҳайит намозини;
саккизинчи — масжидлар қўришни.

Агар баъзи одамлар бу ишларни юргизиб турсалар, қолганлар гуноҳдан халос бўлаверадилар. («Тоторхонийа» китобида шундай ёзилган).

Пайғамбарларни ва икки шайхни сўкиш куфр ва қатлга боислиги ҳақидаги масъала

Агар бир одам, Аллоҳ ўзи асрасин, Ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васалламни сўкса ва Онҳазрат алайҳис саломга бирорта нолойиқ нарсани нисбат берса ёхуд Онҳазратни қарғаса ёки бўлмаса икки шайх разийаллоҳу анҳумоларни сўкса, Аллоҳ буларнинг ҳаммасидан бизларни асрасин, бу ҳолатларнинг ҳаммасида ўша киши кофир бўлади. Истеъмолдаги мўътабар ривоятга кўра, унга жазо берилади.

Агар мусулмон киши оғзидан куфрона сўз чиқса ёки Рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга тағадиган куфрона бўлмаган сўз чиқса ҳам, унга тавба ва истиғфор қилиш, никоҳини янгилаш буюрилади. Агар тавба қилмаса, унинг устидан муртадлиқ ҳукми ижро қилинади.

Ҳазрати ислом подшоҳига итоат лозимлиги ҳақидаги масъала

Ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам шарнатига мувофиқ бўлган барча ишларда ҳазрати ислом подшоҳига барча ҳалойиқнинг итоат қилиши фарздир. Агар итоат қилмаса, айбдор ва гуноҳкор бўлади.

Чақимчини ўлдириш масъаласи

Чақимчи ва ифвогарни, ислом аҳлига сабабсиз ношаръий зарар етказган ва етказаётган кишини ўлдириш мувоҳидир, ҳатто бу фитрат¹ айёмида бўлса ҳам, чунки фитрат айёмида ислом аҳлига ношаръий зарар етказишга қудрати бўлмайди, қудрат пайдо қилгандан ке-

йин эса, зарар етказишга киришади. Баъзи фақиҳлар фикрича, одамларга зарар етказадиган кишини ўлдириниш вожибдир.

**Иймон рукнлари ва ҳукмларини билмаган аёл
ва канизак билан яқинлик қилиш ҳалол эмаслиги
ҳақидаги масъала**

Иймон рукнлари ва ҳукмларини билмаган аёл билан жинсий яқинлик қилиш ҳаромдир. Шунингдек, канизак иймоннинг рукнлари ва ҳукмларини билмаса, у билан ҳам яқинлашиниш ҳаромдир.

**Иймон рукнлари ва ҳукмларини билмаган
қассобнинг сўйгани ҳалол эмаслиги
ҳақида**

Шунингдек, қассоб ва унга ёрдам бераётган жамоа бу жамоанинг ёрдамсиз сўйишни амалга оширолмаса, қассоб ҳамда унинг ёрдамчилари иймоннинг рукнлари ва ҳукмларини билмаса, сўйилган нарсанинг гўшти ҳалол эмас. Борди-ю, жамоат қассобга сўйиш ишида ёрдам бераётган бўлса ва қассоб ҳамда унинг ёрдамчилари иймоннинг рукнлари ва ҳукмларини билсалар, сўйиш пайтида қассаб Аллоҳу таъоло тасмияси (Бисмиллаҳ)ни айтса, ёрдамчилари тасмияни айтишмаса, сўйилган нарсаси барибир ҳалол бўлмайди. («Қозихон» китобида ёзилган).

М а с ъ а л а

Кофирлар билан жанг пайтида кофирлардан қочиш гуноҳи кабира² ҳисобланади, бироқ шундай шарт биланки, кофирлар устидан ғалаба қиламиз, деган гумон бўлган ҳолда қочиш кетса. Агар унинг гумони, кофирлар биздан ғолиб келади, деган гумон бўлса, қочишнинг зарари йўқ. (Қочмаслик) ҳукми шу пайтда амал қиладики, агар ислом аҳлининг сони ўн икки мингга

¹ Фитрат — касаллик билан тузалиш оралиғидаги вақт.

² Гуноҳи кабира — улур гуноҳ, шариатда икки гуноҳ бор: гуноҳи кабира (улур гуноҳ) ва гуноҳи сағира (кичик гуноҳ).

аниқ етса ва куфр аҳлининг миқдори ўн икки мингдан зиёда бўлса, ислом аҳли кофирлардан қочмайди¹.

М а с ъ а л а

Жойиз масъалалардан бири шуки, ислом подшоҳи ислом аҳлининг маслаҳати ва фаровонлиги учун куфр аҳли орасига бирорта мусулмонни юборади. Ислом аҳлининг маслаҳатини куфр аҳлига айтиб, муқаррар қилиб, ислом аҳли орасига қайтади.

Яна шу ҳам жойизки, дори ҳарбдан дори исломга элчилик билан келган кофирга омонлик берилади, ислом аҳли маслаҳати бўлган ишни муқаррар қилиб, Он-ҳазрат унинг қайтишига рухсат беради.

Яна шу ҳам жойизки, куфр аҳли тайёрлаган таом устига борган ислом аҳли бу таомдан ейди. Аммо, шу шарт биланки, аҳли исломнинг мақсади бу куфр аҳлини исломга ва исломни қабул қилишга тайёрлашдир. Агар мақсади куфр аҳлини улуғлаш бўлса, бағоят ёмон ва хунукдир. Куфр аҳли таомида бир ёки икки марта ҳозир бўлиш мубоҳ ҳисобланади, бу амални доимий такрорлаш макруҳдир. Яна куфр аҳлига мазкур тамаъ билан таом бериш ҳам мубоҳ ҳисобланади.

К о ф и р а ҳ л и г а с а л о м қ и л и ш м а к р у ҳ л и г и ҳ а қ и д а г и м а с ъ а л а

Куфр аҳлининг саломига жавоб бериш жойиздир, шу шарт биланки, жавобда «алайка» сўзини айтиш билан чегараланилади. Кофирга салом қилиш ва қўл бериб кўришиш макруҳдир.

М а с ъ а л а

Ҳазрати ислом подшоҳининг нигоҳбони (посбони) посбонлик вақтида «ло илоҳа иллаллоҳ»ни ёки бошқа зикрни айтса, гуноҳкор бўлади, чунки гўё зикр учун маъош олаётгандек бўлади. Баъзи фақиҳларнинг фикрича, гуноҳкор бўлмайди, чунки маъошни подшоҳдан посбонлик учун олаётган бўлади, зикр учун эмас.

¹ Ҳошнйадаги кичик сарлавҳачада «қочади» тарзида ёзилган.

Масъала

Агар кофирлар аҳли дори исломга келиб, молларни, аёлларни, гўдакларни талаб, олиб кетсалар, ислом аҳли куфр аҳлининг орқасидан бориб, молларни, аёлларни, болаларни қутқазिशга киришиши керак, бироқ, ҳали улар дори ҳарбга кирмаган бўлсалар, борди-ю, дори ҳарбга кирган бўлсалар, ислом аҳли дори ҳарбга кириш қувватига эга бўлмаса, бориш шарт эмас. Агар дори ҳарбга кириш қувватига эса бўлсалар, дори ҳарбга кириб, аҳли исломдан бўлган аёллар ва болаларни қутқарадилар, бироқ аҳли ислом ўз молини қутқариб олиши шарт эмас, чунки молимиз дори ҳарб ерига киргач, аҳли ҳарб унинг эгаси ҳисобланади, аммо аёлларимиз ва болаларимиз дори ҳарбга киргани билан уларники бўлмайди. («Тамма» китобида шундай).

Ислом аҳли куфр аҳлига омон бериши ҳақидаги масъала

Агар бир мусулмон бир кофирга, куфр аҳлидан бўлган бир жамоага ёки аҳли куфрга қарашли шаҳарлардан бир шаҳарга омон берган бўлса, ислом аҳлидан ҳеч бир киши учун бу омонни бузишга ҳуқуқ йўқ. Бу мусулмон омон бергандан сўнг ул жамоа билан ислом аҳлининг жанг қилиши раво эмас. Омон бериш жоиз эканлигининг сабабларидан бири шуки, ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ал-муслимийна ятакофувна димоухум ва якфий бизимматиҳим адноҳум ай ақаллуҳум ва ҳува-л-ваҳиду»¹, — деганлар.

Иккинчи сабаби шуки, агар омон бермасак ва подшоҳ раъйи билан омон берилди, подшоҳнинг раъйсиз омон берилмайди, десак, кўп ҳолда бу то подшоҳнинг қулоғига етгунча катта бузғунчиликлар содир булади, кейин уни даф этиб бўлмайди. Агар омонни ислом аҳлининг фойдаси учун қабул қилсак, омонни бузиш мумкин.

¹ Мусулмонлар уларнинг қонини тўкиш) билан кифояланадилар ва кифоядир уларнинг кам (қисми)ни, яъни озини зиммий қилиш ва бу биттадир.

ҲУДУД (ЖАЗО), ТАЪЗИР, ҲАРОМ ИЧИМЛИКЛАР ВА ШУЛАРГА ТААЛЛУҚЛИ НАРСАЛАР БАЕНИДАГИ БОБ

Махфий қолмасинким, зино¹ ҳадди²нинг шаръийлигидан асл мақсад аҳли исломни зарар тортадиган нарсадан манъ этишдир ва бу зарар наслу насабнинг бузилишидир ҳамда мусулмонлар кўрпасини фасоддан асрашдир.

Ичкилик ҳаддининг шаръийлигидан аслий мақсад ақлни сақлашдир.

Қазаф³ ҳаддининг шаръийлигидан аслий мақсад бандаларнинг обрўйини асрашдир.

Уғрилик ҳадди шаръийлигидан аслий мақсад бандаларнинг бойлигини асрашдир.

Ҳадд билан таъзир орасидаги фарқ

Ҳадд билан таъзир орасидаги фарқ шуки, ҳадднинг миқдори ва тайин чегараси бор. Таъзирнинг эса миқдору тайини йўқ. Шунинг учун таъзирни ҳаддга етказсалар, гуноҳкор бўладилар, чунки Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ман балаға ғайра ҳаддин фи ҳаддин фаҳува минна-л-мўътадийн»⁴, — деганлар.

Зинони исбот қилиш йўли ҳақидаги масъала

Зино гувоҳ ва иқрор билан исбот бўлади. Аммо, гувоҳ билан исбот бўлишининг тартиби шундайки, тўртта озод ва одил эркак ҳазрати ислом подшоҳи ёки унинг ноибни ҳузурда гувоҳлик беради. Ҳазрати ислом подшоҳига эса шоҳидлардан зинонинг моҳияти (яъни нималиги) ҳақида сўраши лозим. Чунки, агар зинонинг моҳияти ҳақида сўралмаса, эҳтимол улар баданининг ва қўлнинг силанишини ёки номаҳрам аёлга назар солинишини зино деб ўйлаган бўлишлари эҳтимол. Яна зинонинг кайфияти (қандай ҳолда бўлгани) ҳақида савол қилинади, чунки фаржни (жинсий аъзони) киргизмасдан ишқалашни зино деб эътиқод қилган бўлишлари

¹ Зино — бузуқлик.

² Ҳадд — жазолаш, дарра уриш.

³ Қазаф — туҳмат қилиб, бузуқликда айблаш.

⁴ Кимки ҳад бўлмаган нарсани ҳадга етказса, демак у ҳаддан ошувчидир.

мумкин. Яна зино қилинган жой ҳақида сўрайдилар, чунки эҳтимол зино дори ҳарбда содир бўлгандир, дори ҳарбдаги зинога ҳадд берилмайди. Яна зинонинг вақти ҳақида савол қиладилар, чунки эҳтимол зино ўтмишда қилингандир, ўтмиш гувоҳликни қабул этмайди. Яна музинадан¹ савол қилинади, чунки эҳтимол шубҳа билан зино қилгандир, шубҳа билан қўшилиш ҳадд беришни манъ этади. Бу айтилганларнинг ҳаммаси текширилмаса ва ботил эҳтимоллар орадан кўтарилмаса, зино ҳақидаги ҳаддни ижро қилиб бўлмайди.

Зинони иқрор билан исбот қилиш

Зинони иқрор билан исбот қилиш шундайки, иқрор бўлувчи ақли жойида ва балоғатга етган бўлиши ҳамда зинога шахсан ўзи тўрт мажлисда (тўрт навбат) иқрор бўлиши керак. У ҳар гал ўз зиносига иқрор бўлганида ҳазрати ислом подшоҳи уни рад этади, токи тўрт мажлисда унинг зиноси аниқ бўлиши зарур. Чунки ҳазрати Моиз разийаллоҳу анҳу ҳазрати Пайғамбар алайҳис саломнинг ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, мен зино қилдим, мени покланг», — деди. Онҳазрат алайҳис салом ундан юз ўғирдилар. Моиз Онҳазрат алайҳис салом олдиларидан кетиб, Мадина деворлари орқасига ўтиб, бошқа томондан яна келди ва яна: «Ё Расулаллоҳ, мен зино қилдим, мени покланг», — деди. Онҳазрат алайҳис салом яна ундан юз ўғирдилар. Аввалгига ўхшаб, у тўрт марта келди. Шундан сўнг ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Моизга: «Сенга жиннилик ёрми?», — дедилар. У «йўқ» деб жавоб берди. Бошқа ривоятда келишича, ҳазрати Рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Моизнинг оиласидан унинг жиннилиги ҳақида сўрадилар: «Унда ҳеч қачон жиннилик бўлган эмас», — дедилар. Ҳазрати Пайғамбар алайҳис салом: «Эҳтимол у хотинни силагандирсан ёки ўпгандирсан ва бу силашу ўпишни зино деб гумон қилгандирсан?», — деб сўрадилар. Моиз: «Ё Расулаллоҳ, мендан ростдан ҳам зино содир бўлди», — деди. Расулаллоҳнинг бу зикр қилинган нарсаларни сўрашдан мақсади зинога иқрорми эканлигини билиш эди. Шундан сўнг Расул алайҳиссалом ҳазрати Моиздан

¹ Зиннокор аёл.

² Эҳсон — поклик, парҳезгарлик.

зино макони ва зиночи аёл ҳақида сўрадилар. Шундан кейин эса Моизнинг эҳсони² ҳақида сўрадилар. Муслмонлар Моизнинг муҳсин (пок) эканлиги ҳақида гапирдилар.

Шундан сўнг Онҳазрат алайҳис салом Моизни тошбўрон қилишга амр қилдилар. Моизни тошбўрон қилдилар. Сўнг уни ювиб, кафанлаб, жаноза ўқидилар. Шундан сўнг Онҳазрат алайҳис салом: «Агар Моизнинг тавбаси бутун Ҳижоз аҳлига тақсим қилинса, ҳаммага етади, мен Моизнинг жаннат ариқларига чўмганини кўрдим», — дедилар.

Масъала

Агар зинога иқрор бўлувчи зино ҳадди берилишидан аввал ёки зино ҳадди берилаётган пайтнинг ўртасида зинога иқрордан қайтса, қабул қилинади ва қўйиб юборилади, қайга хоҳласа, ўша ерга кетаверади.

Масъала

Агар тўрттадан кам киши бир муҳсин¹ кишининг зино қилганига гувоҳлик берса, бу кишига ҳеч нарса лозим бўлмайди, аммо гувоҳларнинг ҳар бирига саксон қамчи (дарра)дан иборат бўлган қазаф (туҳмат) ҳадди урилади. Агар мазкур кишининг зиносига тўрт киши гувоҳлик берса, улардан биттаси ёки иккитаси ўз гувоҳлигидан қайтса, қайтувчига қазаф ҳадди лозим бўлади.

Масъала

Агар тўртта озод ва одил киши бир аёлнинг зино қилганига гувоҳлик берса, бироқ бу аёлнинг бикр² бўлгани маълум бўлиб, текшириш ҳамда аёллар сўзи бўйича бакорати³ ошкор бўлса, шоҳидларга ва аёлга ҳадд берилмайди.

Масъала

Бир эркак тўрт мартаба тўртта ҳар хил мажлис (йиғин)да: «Мен Онша билан зино қилдим», — деса,

¹ Муҳсин — пок, художўй, бошқа маъноси уйланган, аёлли.

² Бикр — қиз, эрга тегмаган.

³ Бакорат — қиз, қизлик пардаси кетмаган.

Оиша эса: «У мени никоҳ қилди, сўнг яқинлиқ қилди», — деса, иқрор этувчига ҳадд урилмайди.

М а с ь а л а

Агар бир эркак билан бир аёл шаръан зино ҳаддига лойиқ бўлсалар, агар у зинокор эркак муҳсин бўлса, у эркакни кенг ва холий маконга олиб бориш керак. Агар аёл муҳсинна бўлса, уни то кўкрагигача чуқур кавлаб ерга кўмилади. Унинг ҳар иккови тошбўрон қилинади. Аммо эркакни чуқур кавлаб кўмиш яхши эмас.

Агар зино гувоҳлар орқали исбот қилинган бўлса, аввало гувоҳлар тош отади, сўнг подшоҳ, сўнг одамлар тош отадилар. Агар зино иқрор билан исбот бўлган бўлса, аввало подшоҳ тош огади, чунки Ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳузурларида қилган зиносига иқрор бўлган Ғомидияга ўзлари тош отган эдилар, сўнг одамлар. Агар гувоҳлар тош отишдан бош тортсалар, зинокордан ҳадд кўтарилади, чунки бу бош тортиш гувоҳликдан қайтишни билдиради.

М а с ь а л а

Махфий қолмасинким, эҳсон шундайки, озод, ақли жойида ҳамда балоғатга етган мусулмон эҳсон сифатига эга бўлган аёлни тоза никоҳ билан жимоъ (жинсий алоқа) қилган бўлса, сўнг бу улуғ неъматни била туриб, бу неъматни тарк этиб, зино қилса, унинг жазоси ражм (тошбўрон)дир. Агар зинокор муҳсин бўлмаса, бироқ озод бўлса, унинг ҳадди юз қамчин (дарра)дир. Агар банда (қул) бўлса, унинг ҳадди эллик даррадир. Қамчининг қандай бўлиши ва моҳияти муфассал баён қилувчи китобларда мавжуддир.

Эркак ва аёллар бу ҳадд борасида бир хилдирлар, лекин аёллардан пахтали либос ва пўстин ечиб қўйилади, пахтасиз либосда ҳад урилади. Бироқ эркакларнинг барча либоси ечиб қўйилади ва тик турган ҳолида урилади.

М а с ь а л а

Хўжайиннинг қулга ҳадд тайин қилиши жойиз эмас, бироқ ислом подшоҳи изн берса, мумкиндир (Ҳадисда

шундай дейилган). Аммо хўжайиннинг ўз ғуломига таъзир бериши жойиздир, борди-ю, подшоҳдан изн олмаган бўлса ҳам.

М а с ь а л а

Муҳсинга ҳам тошбўрон, ҳам қамчи жонз эмас, тошбўрондан мақсад ҳосил бўлгач, қамчининг фойдаси йўқ. Шунингдек, қамчи уриш ва ғариб қилиш ҳам жойиз эмас. Ғариб қилиш юргидан чиқаришдир, бироқ подшоҳнинг раъйи бунни хоҳласа, мумкиндир. Агар подшоҳнинг хоҳиши шунга барқарор бўлса, мусулмонлар ишининг яхшиланиши учун, сиёсат қилиш мақсадида уни ғариб қилиш мумкин. Бу сиёсат унга таъзирдир. Таъзир баъзи ҳолда фойдадур. Валлоҳу аълам.

М а с ь а л а

Агар қул зино қилса, уни тошбўрон қилиш лозим эмас, балки, юқорида айтилгандек, эллик қамчи урилади.

Қ и з и қ м а с ь а л а

Агар тўрт одил киши, бу муҳсин эркак зино қилди, деб гувоҳлик берсалар ва бунинг шарт-шароитлари юқорида айтилгандек аниқланган бўлса, ҳаддни ижро қилишдан аввал (бу ҳадд тошбўрон эди), гувоҳ киши фақат бир мартагина зино бўлганини эътироф этса, тошбўрон ундан соқит бўлади. («Қозихон»да шундай дейилган). Бу ерда ҳадднинг соқит бўлишига сабаб шуки, гувоҳликнинг қабул бўлиши инкор сабаблидир ва у гувоҳликнинг иқроридан сўнг йўқ бўлди, битта иқрор қолди, холос. Зино бобида бир марга қилинган иқрор эса ҳужжат бўлолмайди. Валлоҳу аълам.

М а с ь а л а

Агар бир ҳомиладор аёл зино қилса, зиноти шаръан исбот бўлса, унга бериладиган ҳадд хоҳ дарра бўлсин, хоҳ тошбўрон бўлсин, то туққунча тўхтатиб турилади. Туққандан сўнг, унинг ҳадди тошбўрон бўлса, тошбўрон қилинади, агар ҳадди дарра бўлса, нифосдан¹ сўнг

¹ Н и ф о с — туғишдан сўнг қон кетиши.

дарра урилади. Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳдан қилинган бир ривоятга кўра, аёлнинг ҳадди тошбўрон бўлса, то фарзанд ундан мустағний¹ бўлмагунча тошбўрон қилинмайди.

Ғомидия тошбўронининг воқеаси

Бу ривоят (тафсилоти) шундайки, Ғомидиядан бўлган бир аёл ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, мен зино қилдим», — деди. Юқорида айтиб ўтилгандек, тўрт мартаба у зиносига иқрор бўлди. Онҳазрат суриштириб кўриб, унинг ҳомиладор эканлигини билдилар. То туққунуча ҳаддини тўхтатиб турдилар. Нифосдан сўнг, зония² келиб, энди тошбўрон ҳаддини амалга оширишни сўради. Бу аёл муҳсинна эди, Онҳазрат унга: «Фарзандинг сендан мустағний бўлганда ҳаддини ижро этаман», — дедилар. Бир киши унинг фарзандига мутасадди бўлди. Шундан сўнг Онҳазрат алайҳис салом унинг устидан ҳаддини ижро қилдирдилар.

Масъала

Агар бир киши шубҳа билан зино қилди, чунончи, ўз хотинининг канизаги ёки отасининг канизаги ёхуд онасининг канизаги билан жинсий яқинлиқ қилди, канизак хоҳ бойина бўлсин, хоҳ болнга бўлсин, уни сотиб олувчига беришдан аввал ватий (жинсий яқинлик) қилса, бунда жинсий алоқа қилувчидан ҳадд соқит бўлади. Аммо ака-ука, опа-сингил ва қариндошларнинг канизаги билан зино қилса, ҳадд лозим бўлади. Шунингдек, ўзининг жойида ётган аёлни ўз хотини деб гумон қилиб, яқинлик қилса, борди-ю у кўр бўлса ҳам, унга ҳадд лозим бўлади. Агар кўрга ётган аёл уннки эканидан ёлгон хабар берилса, у пайтда кўрдан ҳадд соқит бўлади.

Лаввота² масъаласи

Аллоҳ бундан бизни асрасин, Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздида, лаввотага ҳадд лозим эмас. Ле-

¹ Мустағний — беҳожат, бу ерда эминшдан айрилган вақт назарда тутилади.

² Зония — зиннокор аёл.

³ Лаввота — бесоқолбозлик.

кин ҳазрати подшоҳда фоилу мафъулни¹ қатл қилиш ҳуқуқи бор. Икки имом наздида, Аллоҳ ул икковига раҳматини сочсин, уларга зино ҳадди берилади, шундай тартибдаки, агар у муҳсин бўлса, тошбўрон лозимдир. Агар муҳсин бўлмаса, дарра лозимдир. Булар орасидаги фарқ муфассал китобларда баён қилинган.

Масъала

Ҳайвонотни ватий қилса (жинсий алоқа қилса) ҳадд лозим бўлмайди, лекин таъзир берилади. Ватий қилинган ҳайвон эса сўйилгандан сўнг куйдириб юборилади. Ҳайвоннинг қиймати эса вагий қилувчи бўйинига қўйилади. Ҳадд урилмаслигининг сабаби шуки, ҳайвоннинг фаржи (уят жойи) унинг оғзи ҳукмидадир. Шунинг учун ҳам шарият соҳиби (яъни Аллоҳ) унинг фаржини ёпишга амр қилмадилар. Агар гўшти ейиладиган ҳайвон бўлса, Имоми Аъзим наздида, сўйгандан сўнг гўштини еса бўлади. Гўшти ёқиб юборилмайди. Ҳазрати Имом Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ наздида, ёқиб юборилади.

Масъала

Агар ёш бола ёки девона (жинни) бир хогинни зино қилса, уларнинг ҳеч бирига ҳадд лозим бўлмайди. Бордию, соғ одам мажнун (девона) аёл билан ёки балоғатга яқинлашиб қолган сағира (қизча) билан зино қилса, соғ кишига ҳадд урилади, холос.

Масъала

Агар зино қилувчи эркак ва аёл ўз зинолари ҳақида мукриҳ (инкор қилувчи) бўлса, уларга ҳадд урилмайди. («Ҳидоя» ва бошқаларда шундай ёзилган).

Масъала

Тўрт нафар эркак бир кишининг зиносига гувоҳлик берса, сўнг шаръий узрсиз бу гувоҳликни бир ой кечиктирсалар, бу гувоҳлик мўътабар қавл (сўз)га биноан мақбул эмас.

¹ Қилувчи ва қилдирувчи.

Ичкиликка ҳадд бериш ҳақидаги фасл

Агар икки адолатли эркак: «Бу киши ўз хоҳиши билан шароб ичди», — деб гувоҳлик беришса ва унинг оғзидан шароб ҳиди келиб турса ёки бу икки киши бир мастни олиб келишса ва унинг ўз хоҳиши билан арақ ичганига гувоҳлик берсалар ёхуд бир киши ўзи иқрор бўлиб: «Мен ароқ ичдим», — деса, унинг оғзидан арақ ҳиди келиб турса, бу ҳолатларнинг ҳар бирида ўша кишига шароб ҳадди урилади. Агар унинг иқрори арақ ичиб, кайфи ўтиб кетгандан кейин бўлса ҳам, ҳазрати Имоми Аъзам ва ҳазрати Имоми Абу Юсуф наздларида, Аллоҳ уларнинг икковига ўз раҳматини сочсин, унга ҳадд лозимдир. Бу икки азизнинг асослари ҳазрати Абдуллоҳ ибн Масъуд разийаллоҳу анҳунинг ушбу: «Фанин важадтум роиҳат-ал-хамри фа-ажмидҳу»¹, — деган ҳадисидир. Ҳазрати Пайғамбар алайҳис салом асҳобларининг шароб ҳадди ҳақидаги асослари ҳам шу ҳадисга боғлиқдир. Валлоҳу аълам. Бироқ, маст арақ ичганига иқрор бўлмаса ва оғзидан арақ ҳиди келиб турса ёки арақ қусган бўлса, бунда ҳам шароб ҳадди лозим бўлмайди.

Масъала

Маст хурмо набизи²дан маст бўлганми ёки майиз набизидан, бу аниқланмагунча ҳад урилмайди. Чунки, қимизга ўхшаб уларнинг мастлиги мубоҳдир. Борди-ю, унинг ҳаром қилинган ичимликдан ичгани маълум бўлса, мастлик ҳолида ҳад урилмайди, ҳушёр бўлгунгача қутилади. Ҳушёр бўлгандан кейин ҳадд урилади.

Озод киши ёки қулнинг ҳадди масъаласи

Арақ ичган кишига, агар у бир қатра ичган бўлса ҳам, ҳадд урилади. Арақ ҳадди ва мастлик ҳадди ҳур одам учун саксон даррадир. Агар қул бўлса, қирқ даррадир. Мастлик ҳаддини берадиган асос шуки, маст озми ёки кўпми бўлса ҳам, ақлли гап гапиролмайди, эркак билан хотиннинг фарқини билмайди. Бу ҳазрати

² Набиз — хурмо ёки майиздан қилинган май.

¹ Агар арақ исини сезсангизлар, у пайтда дарра уринглар.

Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздида. Аммо, икки имом раҳимаҳумуллоҳ наздларида, маст ҳазён (алжираб) гапиради, гоҳ тўғри, гоҳ фасод (бузуқ) гапларни гапиради.

М а с ъ а л а

Мастлик (сукр)га иқрор бўлиш зино қилиш, шароб ичиш, ўғрилик каби ҳаддни лозим қилмайди. Маст қазаф¹ бобида иқрор бўлса, қазаф ҳадди лозимдир. Мастнинг иртидодди (муртал бўлиши)нинг эътибори йўқ, чунки куфрлик эътиқодга киради. Эътиқод мастлик билан аниқланмайди. Аллоҳ аҳволнинг ҳақиқатини билувчи-роқдир.

Қазаф ҳаддининг баёни ҳақидаги фасл

Муҳсин эркакни ёки муҳсина аёлни бирор кимса очиқ-ойдин зино сўзи билан зинога нисбат берса, унинг айтганига тўртта гувоҳи бўлмаса, ҳазрати ислом подшоҳига бу муҳсин ёки муҳсинанинг ўз талаби билан зинода айбловчига саксон тозиёна² урдириши лозим. Бу озод киши учун. Борди-ю қозиф³ қул бўлса, қирқ тозиёна урилади. Шундан сўнг, ўша киши қазафда ўз айтганларига тавба қилиб, йўлга қайтган бўлса ҳам, энди унинг гувоҳлиги абадий номақбул ҳисобланади.

М а с ъ а л а

Агар бир киши бир кишига: «Эй зония (зиночи аёл)-нинг ўгли», — деса, ваҳоланки онаси муҳсина бўлса, у киши қазаф ҳаддини шу кишига нисбатан талаб қила олади. У кишига қазаф ҳадди зикр этилган тартибда лозим бўлади.

Шунингдек, мазкур сабаб билан ўлиб кетган бирор мурда туфайли бировга ор пайдо бўлган бўлса, масалан, ўлган ота, ёки отанинг отаси ёхуд ундан ҳам юқори бўлса, ор етган жамоат талаби билан ўлган туҳматчига қазаф ҳадди эълон қилинади.

¹ Қ а з а ф — ёлғондан зиночи дейиш.

² Т о з и ё н а — қамчи (дарра).

³ Қ о з и ф — зинода туҳмат қилувчи.

Масъала

Агар бир одам бир одамга қазаф (туҳмат) қилганига иқрор бўлса, сўнг бу иқроридан қайтса, қайтиши эътиборга олинмайди. Бу ҳудуди холисанинг акси бўлиб, бундай иқрордан тониш ҳудуди холисада эътиборга олинади.

Масъала

Ҳадд урилган одамнинг қазаф бобидаги гувоҳлиги, мусулмон бўлса ва ҳар қанча тавба қилган бўлса ҳам, инобатга олинмайди. Бу бизнинг уламолар наздидадир. Аммо, Имоми Шофиъий раҳматуллоҳи алайҳ наздида, ҳадд урилган одамнинг қазаф тўғрисидаги гувоҳлиги тавбадан сўнг қабул қилинади. Аммо, зиммий кофирнинг гувоҳлиги, борди-ю унга ҳад урилган бўлса ҳам, зиммийга нисбатан қилинган қазафда қабул бўлаверади. Яна унинг исломга киргандан кейинги иқрори мусулмон ва зиммийга нисбатан мақбулдир. Аммо, қул қазаф туфайли ҳадд еган бўлса, сўнг озод бўлса, қанча тавба қилмасин, унинг гувоҳлиги ҳеч қачон дуруст эмас.

Масъала

Агар киши бир марта ёки ундан ортиқ зино қилган бўлса ёки такрор-такрор шароб ичса ёки зино билан тинимсиз бировга дашном етказса, бир хил нарсанинг ҳаммаси (такрори) учун бир ҳадд жазо берилади. Агар бир марта зино қилса, орқасидан шароб ичса, сўнг зино билан дашном ҳам берса, бунда ҳар бир иши учун алоҳида ҳадд лозим бўлади.

Таъзир сабаблари ва хиллари ҳақидаги фасл

Махфий қолмасинким, таъзирга боис бўладиган сабаблар жуда кўп ва чегарасиздир. Умумий тартиб—қоида (зобитал қуллийа) шуки, шарнат изн бермаган ҳар қандай феъл ва қавл (сўз) таъзирга боис ҳисобланур. Шунингдек, халқ ор деб атайдиган ҳар қандай сўз ҳам таъзир беришга сабабдир. Таъзир дарра, ҳасса ва шапалоқ урнш тарзида бўлади, яна қовоқ солиш, қамаш, ҳаммага ошкор қилиш ҳам таъзир саналади. Яна маш-

ҳур (эълон) қилиш ва қозихонага олиб келиш ҳам таъзир турларидан. Тўғриси шуки, таъзирнинг миқдори ва қандай бўлиши одамларнинг ҳар хил ихтилофлиги сабабли ҳазрати подшоҳ ва қози ихтиёридадир.

Аммо дарра билан таъзирнинг энг камини йигирмата бўлади ва энг кўпини ўттиз уч мартадир. Таъзирни қирқ мартага етказмаслик керакки, бу жуда ёмон ва Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатмаларига хилофдир. Яна таъзирни пайдо қиладиган нарсалардан бири шариатга номувофиқ бўлган тухматдир.

М а с ъ а л а

Қаттиқ уриш (ашадди зарб) таъзирдадир, сўнг зино ҳаддида, сўнг ичкиликда, сўнг қазаф ҳаддида амалга оширилади.

М а с ъ а л а

Агар бирор эркак ё аёлга шаръий сабаблар билан ҳадд урилса ёки таъзир берилса ва бу эр ё аёл ўлиб қолса, бу ҳадд (жазосиз)дир. Бироқ, эр ўз хотинига таъзир берса, бу таъзир туфайли хотин ўлиб қолса, бу хотиннинг хунбаҳосини тўлаш эрга лозимдир. Гувоҳлик бобида гувоҳ миқдори — икки одил эркак ёки бир эркак ва икки одил хотин.

Ҳаром ичимликлар ва уларнинг ҳукмлари ҳақидаги фасл

Махфий қолмаслигим, арақ ҳаромдир. Арақ тўғрисида ҳукмлар кўп. Бири шуки, унинг айнан ўзи ҳаром (ҳаром биайниҳ)дир, масалан, сийдик каби; иллат чиқариши ёки маст қилиши учун эмас. Унинг биайниҳ ҳаромлиги Аллоҳ китоби, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари ва ижмоъ орқали собит бўлган. Демак, унинг бир қатраси ҳам ҳаром. Нажосати ғализа (қуюқ нажосат), масалан, одам сийдиги каби нажасдир. Кимки унинг ҳаромлигини инкор қилса, кофир бўлади. Бундан Аллоҳнинг ўзи асрасин.

Арақ ҳақидаги ҳукмлардан бири шуки, унинг қийматини тўлаш мусулмон кишининг бўйнидан соқитдир. Демак, бир мусулмон киши бир мусулминнинг арағини йўқ

қилса, зомин бўлмайди (тобон тўламайди). Яна уни со-тиш ҳам ботилдир.

Бошқа ҳукм шуки, арақдан наф олиш ҳаромдир. Чунки арақ нажасдир, нажасдан наф олиш ҳаромдир.

Бошқа ҳукм шуки, уни ичган одамга, агар у ўта маст бўлмаса ҳам, ҳадд урамиз.

Бошқа ҳукм шуки, қайнатиш унга таъсир қилмайди, яъни қанча қайнатилмасин, барибир ҳалол бўлмайди. Лекин, Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ наздида, қайнатилгандан сўнг, мастлик ҳаддига етмаса, ҳадд лозим бўлмайди.

Бошқа ҳукм шуки, арақни сирка қилса жонзидир. Хоҳ бу даво учун бўлсин, хоҳ бўлмасин, арақни сирка қилиш макруҳ эмас. Чунки ҳазрати Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Хайру халликум халлу хамрикум»¹, — деганлар. Арақ сиркага айлангач, пок бўлади.

Масъала

Агар сирка хумига бир қатра арақ тушса, бу сиркадан ўша онда истеъмол қилиб бўлмайди. Агар бир коса арақни сирка хумига тўксалар, ўша онда истеъмол қилса бўлади. Бунинг фарқи нозикдир. Лекин бу икки масъала Аълоҳазрат хоқони соҳибқирон, халифат уз-замон, ҳалойиқнинг ҳазрати саййиди (Муҳаммад алайҳис салом) авлодларининг хулосаси, бу китобнинг ёзилишига сабабчи бўлган Хоқон ибни Хоқоннинг, Аллоҳ уни то қиёматгача соғу саломат қилсин, қулоғига етгач, ўша онда бу фарқни айтиб бердилар, шундай тартибдаки, арақ томчиси бир онда сиркага қўшилиб, парчаланиб кетмайди, ўз тушган жойида туриб қолади, сиркага айланмайди, демак, шу сабабли уни ўша онда истеъмол қилиб бўлмайди. Аммо бир коса арақ ўзининг кўплиги сабабли бир онда сиркага қўшилиб, сиркага айланади, бу аралашини сабабли сирка арақни ўзидек қилиб қўяди, шу туфайли уни истеъмол қилса бўлади. Бу фарқ аср уламоларига мақбул ва хуш келди. Эй бор Худоё, иззатли ҳазрати Саййид (Муҳаммад) ҳақи унинг умрини узоқ ва ҳалқи учун давлатини бардавом қилгайсан!

¹ Сиркангизнинг яхшиси арағингиздан бўлгандир.

Масъала

Сирка хуми томон арақни кўтариб бориш макруҳдир. Чунки, қайси сабаб билан бўлмасин, арақни кўтариб юриш макруҳ ҳисобланади. Бу макруҳликдан қутулиш йўли шуки, сирка арақ томон олиб борилади, арақ сирка томон эмас. Чунончи, ўлган нарсани ит томонга кўтариб бориш мубоҳ эмас, балки ит ўлган нарса томон қўйиб юборилади, бу ҳам шунга ўхшашдир.

Масъала

Арақ дурдаси (қолдиғи)ни ичиш макруҳи таҳримийдир. Арақ дурдасини ичганга ҳадд лозим бўлмайди. Бироқ бу ёзувчининг нуқсонли хотирасига шундай масъала келадикки, арақ дурдасида лоақал бир қатра бўлса ҳам арақ қолади. Юқорида айтилган эдики, арақдан бир қатра ичилса ва маст бўлмаса ҳам, ҳадд лозимдир. Демак, арақ дурдасини ичганга ҳам ҳадд лозим бўлади. Валлоҳу аълам, бу ҳақда фикрла!

Масъала

Арақни даво сифатида ичиш, борди-ю мусулмон ҳозиқ табиб: «Бу дардга арақдан бошқа даво йўқ, — деганда ҳам, мўътабар фатвога мувофиқ ҳалол эмас. Зероки, ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ҳаромдан шифо олишни манъ қилган. Аммо, масъалада борким, ташнадикдан ўлаётган бўлса, ташналикни дафъ этиш учун сув ва бошқалардан топилмаётган бўлса, у пайтда ичиш мумкин, бироқ шу миқдордаки, ҳалокатни даф қилолсин, бундан ортиқчаси ҳаромдир.

**Мусаллас, ҳаром ичимликлар, бўза, арақ
ва шунга ўхшашларнинг бу замонда ҳаромлиги
масъаласи**

Мусаллас ҳамда жухоридан, гуручдан, асалдан, анжирдан ва шунга ўхшашлардан қилинган ичимликларни фатвога кўра, балки ижмоъ бўйича, бу замонда истеъмол қилиш ҳаромдир, борди-ю, улар арақ каби маст қилиш даражасига етмаган бўлса ҳам. Бу ҳақдаги масъала машҳурдир.

Яна банж (банг)¹дан истеъмол қилиш фатвога биноан ҳаромдир. Афюн ва кўкнордан истеъмол қилиш, унга мубтало бўлиб қолганга (яъни ўрганиб қолганга), шу миқдорда мубоҳдирки, зарар ва ҳалокатни даф қила олсин.

М а с ъ а л а

Ислоннинг бошланиш даврида, хали Ҳақ субҳонаҳу ва таъолодан ҳукм нозил бўлмасдан аввал арақнинг ҳаром ва нажосатлигини билган Расул саллаллоҳу алайҳи васаллам ислом аҳлига арақ идишларидан фойдаланишни манъ қилган эдилар. Арақ ҳаромлиги муқаррар бўлгандан кейин, Онҳазрат алайҳис салом арақ идишларини тозаллагандан сўнг фойдаланиш кераклигини амр қилдилар. Мазкур идишларни тозалаш, агар идиш эски бўлса, уч марта ювиш билан покланади. Агар арақ идиши янги бўлса, Ҳазрати Имоми Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ наздида, асло пок бўлмайди. Ҳазрати Имоми Абу Юсуф наздида, уч марта ювса, тоза бўлади, шу тартибдаки, ҳар бир ювгандан сўнг албатта қурилади, шундагина тоза бўлади. Яна ҳазрати Абу Юсуф наздида, поклашнинг яна бир усули шуки, идиш сувга тўлдириб қўйилади, агар ундаги сув ўзгарса, пок бўлмаган, ўзгармаса, пок бўлган саналади.

ОММА ЙУЛИГА ҚУРИЛГАН НАРСАЛАР ҲАҚИДАГИ БОБ

М а с ъ а л а

Агар бир киши омма йўлига ҳожатхона қурди ёки тарнов, бурж ёхуд дўкон бино қилди, ҳар бир инсоннинг уни манъ этишга ҳақи бор. Бироқ уни бино қилишдан ислом аҳлига зарар етмаётган бўлса, уни қурган одамга қурилишдан фойдаланиш ҳалолдир, шу маънодаки, гуноҳкор бўлмайди. Аммо зарар етса, гуноҳкор бўлади, бу пайтда ислом аҳли ҳақлари борлиги учун унга таарруз (қаршилиқ) қўрсатиши мумкин.

Махфий қолмасинким, агар йўл омм (умумий) эрса, йўл охири берк бўлса, бу йўлга шерик ҳамсояларнинг изнисиз ва розилигисиз, уларга зарар етса ёки етмаса, қуришга ҳақи йўқ.

¹ Б а н ж — бангидевона, аммо «Гиёс ул-луғат»да уни бошқа бир дарахт томири дейилади

Масъала

Биринчи қўринишдаги ҳолда бу омма йўлидаги қурилишлардан бири қулаб тушиб, бир мусулмон ўлса, унинг товони қурувчининг бўйнигадир, борди-ю, у араб бўлса. Агар ажам бўлса, товони унинг молига бўлади. Аммо бу ҳолда қурувчига каффорат лозим бўлмайди...

Фасл

Агар умум йўлида қурилиш қилса, сўнг қурувчи қурилган нарсани сотса, сотиб олганнинг қўлида бу қурилиш бир кимсани (босиб) ўлдирса, товон сотиб олувчига эмас, болигга бўлади.

Масъала

Агар биров омма йўлига олов қўйса, бу олов бирор нарсани куйдирса, бу оловни қўйган киши куйган нарсага зомин (товон тўловчи)дир. Оловни умум йўлига қўйгач, шамол оловни бошқа ерга учуриб кетса ва бирор нарсани куйдирса, уни қўйган киши зомин бўлмайди. Бироқ, шу шарт биланки, оловни умум кўчасига қўяётганда шамол оддий эсаётган бўлса. Бироқ шамол кучли эсаётган бўлса ва оловни бошқа ерга олиб кетса, у ерда бирор нарсани куйдирса, оловни қўйган одам бу ҳолда зомин (товон тўловчи) бўлади.

Масъала

Бир киши ўз ҳовлиси ичида бирор нарсани қуриш учун бир мардикорни ижарага олиб келган бўлса, бу мардикор ҳовли ўртасида ишлаётган пайтда бу қурилиш бир мусулмонни ўлдирса, унинг товони мардикорга бўлади. Аммо мардикор ўз ишини тамомлагандан сўнг бир кишини ўлдирса, товон ижарага олганнинг бўйнида бўлади. Бироқ, умум йўлида қурилиш қилиш учун ижарага олган бўлса, у пайтда мардикор зомин бўлади.

Фасл

Агар биров омма йўлига сув қуйиб юборса, ёки сув сепса ёхуд таҳорат қилса, шу сабабли бир мусул-

моннинг оёғи тойиб, ҳалок бўлса, ўша киши дият (хунбаҳо) тўлашга зоминдир. Бу хунбаҳога зоминлик шундай пайтда юз берадики, сув сепувчи киши мусулмон ўткинчига қасддан шундай қилган бўлса. Агар қасддан қилмаган бўлса, сув сепувчи ўткинчига зомин эмас. Сув селишда шундай ҳолда зомин бўладики, яъни сувни керагидан ортиқча сепган бўлса. Агар чангни бос-тириш миқдоридан оз сепган бўлса, зомин бўлмайди. Агар бу иш одамлар ўтмайдиган боши берк кўчада (кўчан ғайри нофиз)да мазкур шахс туфайли ҳалок бўлса, у киши зомин бўлмайди.

М а с ъ а л а

Агар бир киши дўкон эгасининг ижозати билан дўкон ҳовлисига сув сепса, бир мусулмон йиқилиб тушиб, ўлиб қолса, дўкон соҳиби зомин бўлади. Дўкон соҳибидан изи олиб сув сепган киши зомин бўлмайди.

М а с ъ а л а

Агар бир киши омма йўлида чуқур¹ кавласа ёки тош қўйса, шу сабабли одам ёки ҳайвон ҳалок бўлса, чуқурни кавловчи ёки тошни қўювчи зоминдир, у хоҳ ажам бўлсин, хоҳ араб.

Агар бошқа бир киши бу тошни омма йўлидан олиб, омма йўли бўлмаган бошқа ерга қўйса, сўнг бу тош сабабли одам ёки ҳайвон ўлса, тошни биринчи қўйган киши эмас, ўша иккинчи қўйган киши зомин бўлади.

Махфий қолмасинким, бу айтилганларнинг барчасида умум йўлида подшоҳи ислом изнисиз қурилтиш қилганлар зоминдир. Аммо, бироқ ислом подшоҳи изин билан қурганлар зомин эмаслар.

Яна махфий қолмасинким, умум йўлига ислом подшоҳи шундай пайтда ҳуқуқли бўла оладикки, агар кўча кенг бўлса, ислом аҳлига зарар етмаса; агар қурилтиш сабабли йўл тарайиб қоладиган бўлса, ислом подшоҳи бунга йўл бермаслиги керак, акс ҳолда қурувчи зоминдир. Зероки ислом аҳлига манфаати бўлмаган жойда ислом подшоҳи берган изнининг эътибори йўқ. («Ҳиндия»нинг баъзи ҳошияларида шундай ёзилган).

Яна махфий қолмасинким, умум йўлида чоҳ (чуқур)

¹ Бу ерда чоҳ дейилган, қудуқ ёки чуқур дейиш ҳам мумкин.

жавлаган бўлса, бир киши унга тушиб ўлса, борди-ю бу одамнинг ўлимига сабаб ҳақиқатан чоҳ бўлса, у пайтда чоҳни кавловчи зомин саналади. Агар унинг ўлимига чоҳ сабабчи бўлмай, очлиги ёки ўтаётганда нафаси сиқиши сабаб бўлса, чоҳ кавлаган зомин эмас. Чунки ўлимига сабаб унинг ўзидадир: ейишга таом топмагани ёки унинг юрагинда бўлган иллат. У бесабаб ўлган кабидир, чуқур кавловчининг бу ишда айби йўқ. Валлоҳу аълам.

М а с ъ а л а

Агар бир киши умум йўлида бир нарсани кўтариб кетаётган бўлса ва бу нарса умум йўлида бораётган бир кимсанинг устига тушиб кетса ёки умум йўлдан кетаётган кишининг олкасидан бир нарса тушса ва умум йўлида кетаётган бошқа кимса бу сабабли қоқилиб кетса ва ҳар икки ҳолда ҳам ўлса, юк кўтариб кетувчи ҳунбахога зоминдир.

Агар киши бир ридо (либос) кийган бўлса ва умум йўлида бир кишининг устига йиқилиб тушса, бу сабабли у киши ўлса, зомин эмас. Фарқи муфассал китобларда мавжуд.

М а с ъ а л а

Масжидлардан бирига қандил осиб қўйган бўлсалар, бу қандил тушиб кетиб бир кишини ҳалок қилса, қандил эгаси зомин эмас. Маҳалла аҳлидан бошқа киши осган бўлса, ўша зоминдир.

М а с ъ а л а

Бир киши бир ариқ (анҳор) устига кўприк қурган бўлса, одам ёки ҳайвон кўприкнинг тешигига кириб қолиб ҳалок бўлса, уни қурган зоминдир. Зомин шу пайтдаки, агар кўприкни подшоҳ ижозатисиз қурган бўлса ва бир одам билмасдан ўтган бўлса, қурувчи зоминдир, одам билиб туриб ўтса, қурувчи зомин эмас.

Ф а с л

Маҳалла аҳлидан ёки бошқа маҳалладан бир киши масжидда ўтирган бўлса, бошқа бир киши масжидга

кириб, ўтирган одам сабабли йиқилиб ўлса, бунинг тафсилоти шуки, қарамоқ керак, ўлим ўтирган киши намозда эканлигида содир бўлса, умум иттифоққа биноан у киши зомин эмас. Агар намозда бўлмаса, Имоми Аъзам раҳматуллоҳ наздида, зоминдир. Аммо икки имом раҳимаҳумуллоҳлар наздида, зомин эмас. Икки томон айтганларининг сабаби муфассал баён қилувчи китобларда мавжуд. Бу китоб бунинг шарҳини кўтармайди. Аммо фатво Имоми Аъзам сўзигадир.

ҚУЛНИ, МУДАББИРНИ¹ ВА БОЛАНИ ҒАСБ² ЭТИШ ХАМДА УЛАРГА НИСБАТАН ЖИНОЯТЛАР ҲАҚИДАГИ БОБ

М а с ъ а л а

Бир киши ўз қулининг қўлини кесиб юборса, шундан сўнг уни бошқа бир киши ғасб этса, қул қўли кесилганлиги сабабли ғасб этувчининг қўлида ўлса, қўли кесилган қулнинг қийматини ғасб этувчи тўлашга мажбур.

Агар қулнинг эгаси ўша ғуломнинг қўлини ғасб этувчининг қўлида турган пайтда кесса ва ғулом бу сабабли ғасб этувчининг қўлида ўлса, ғасб этувчига ҳеч нарса лозим бўлмайди. Буларнинг фарқи муфассал китобларда мавжуд.

М а с ъ а л а

Агар бир мавжуд қул бир қулбаччани ғасб этса ва бу қулбачча бу ғуломнинг қўлида ўлиб қолса, бу ғулом қулбаччанинг қийматига зоминдир.

М а с ъ а л а

Бир киши бир мудаббирни ғасб этса ва бу мудаббир ғасб этувчининг қўлида бир жиноят содир қилса, сўнг ғасб этувчи бу мудаббирни ўз эгасига қайтарса, у ўз эгаси қўлида бошқа жиноят содир қилса, бу мудаббирнинг эгаси ҳар икки жиноят учун жиноят эгаларига бу мудаббирнинг қийматини тўлайди, ярминини биринчи

¹ М у д а б б и р — эгаси ўлгандан сўнг озодлик олувчи қул.

² Ғ а с б — зўрлик билан тортиб олиш.

жиноят учун, ярмини иккинчи жиноят учун беради. Шундан сўнг ғасб этувчидан мудаббирнинг ярим қийматини олади ва бу ярим қийматни биринчи жиноят азобини тортганнинг эгасига беради.

Агар мудаббир аввал ўз эгасининг қўлида жиноят қилган бўлса, сўнг ғасб этувчи мудаббирни ғасб этса, мудаббир ғасб этувчининг қўлида ҳам жиноят қилса, сўнг ғасб этувчи мудаббирни ўз эгасига қайтарса, мудаббирнинг эгаси мудаббирнинг тўлиқ баҳосини икки жиноят эгасига беради. Сўнг қийматнинг ярмини ғасб этувчидан олиб, биринчи жиноят эгасига беради ва иккинчи қисмини олиш учун энди ғасб этувчининг олдига бормайди. Бунинг фарқи муфассал китобларда мавжуд.

Махфий қолмасинким, мудаббир бўлмаган қулга ҳам шу ҳукм юривчидир.

Агар бир киши бир мудаббирни ғасб этса, бу мудаббир ғасб этувчи қўлида жиноят қилса, сўнг ғасб этувчи уни ўз эгасига қайтарса, шундан сўнг яна уни ғасб этса, мудаббир унинг қўлида яна бир марта жиноят қилса, мудаббирнинг эгаси унинг тўлиқ қийматини икки жиноят тортганга беради. Сўнг ғасб этувчидан қийматни олади ва бу қийматни икки жиноят тортганга бормайди, ўзида қолдиради.

М а с ъ а л а

Агар бир киши бир озод норасида (бола)ни ғасб этса, сўнг бу норасида сабабсиз ўлиб қолса ёки иситма сабабли ўлса, ғасб этувчи ҳеч нарсага зомин эмас. Агар осмон олови (яшин)дан ёки илон чақнишидан ўлса, ғасб этувчи унинг хунбаҳосини тўлайди. Сабаби — унинг ҳали ақлли эмаслигидир. Агар ақлли ёш бўлса, ғасб этувчи зомин бўлмайди.

М а с ъ а л а

Агар бир киши ўз ғуломини бир норасидага омонат қолдирса, норасида бу ғуломни ўлдириб қўйса, норасида бу ғуломнинг қийматини тўлайди. Агар омонат овқатни норасида еб қўйса, норасида бунга зомин бўлмайди. Валлоҳу аълам.

ҚАСОМА¹ ВА УНГА ТААЛЛУҚЛИ НАРСАЛАР ҲАҚИДАГИ БОБ

Агар маҳаллада ўлдирилган одам топилса, мурданинг баданида жароҳат ёки ўлимга сабаб бўлган қатл белгилари аниқланса, қотил эса номаълум бўлса, шариат ҳукми шуки, мурданинг яқинлари тилга олган эллик киши маҳалладан йиғилиб, уларга қасам ичирилади. Улар қуйидаги тартибда қасам ичадилар, яъни: «Биллоҳи, мо қатално ва мо алламоҳу қотилан»². Қасамдан сўнг, маҳалладаги бу эллик нафарга ўлдирилганининг хунбаҳоси солинади.

Махфий қолмасинким, қасома — аҳли маҳалланинг барчасига ўлдирилганининг яқинлари томонидан баробар берилиши мумкин ёки баъзиларига ноаниқ ёки баъзиларига аниқ даъво қилиниши мумкин. Агар маҳалла аҳли эллик нафарган етмаса, то элликка етгунча маҳалла жамоасига қайтадан қасам бериши мумкин. Бу Умар разийаллоҳу анҳудан нақл қилинган ҳадисга мувофиқдир.

Махфий қолмасинким, қасома норасида, мажнун, аёл ва қулга берилмайди, чунки аёл ва қул тасарруф аҳли эмас. Норасида ва мажнунга қасома берилмаслигининг сабаби эса, бу икки тоифанинг сўзи тўғри ва ишончли эмаслиғидир.

Агар ўлдирилган киши топилса, унда ўлдирилишга сабаб бўлган белги топилмаса, қасома ҳам, хунбаҳо ҳам лозим эмас.

М а с ъ а л а

Агар бир ўлдирилган киши топилса ёки баданидан кўп қисми топилса ёки ярим бадани боши билан бирга топилса, қасома ва хунбаҳо маҳалла аҳли бўйнига тушади. Агар ўлдирилганининг ярим гавдаси узунасига тенг бўлинган ҳолда топилса ёки ярим гавдаси боши билан мавжуд бўлса ёки унинг қўл ва оёғи топилса ёки бошининг ўзи топилса, бу ҳолларнинг барчасида на қасома ва на дият (хунбаҳо) лозим бўлмайди.

¹ Қасома — маҳалладаги эллик кишига бериладиган қасам.

² Аллоҳга қасамки, биз уни ўлдирганимиз йўқ ва қотилнинг ҳам ким эканини билмаймиз.

Масъала

Агар қишлоқда, масалан, бир жанин¹ топилса, унда зарба асари бўлмаса, аҳли маҳаллага ҳеч нарса лозим бўлмайди. Агар зарба асари жанинда аён бўлса ва у тула туғилган бўлса, маҳалла аҳлига дият ва қасома лозим бўлади. Агар чала туғилган бўлса, аҳли маҳаллага ҳеч нарса лозим бўлмайди.

Масъала

Ўлдирилган киши ўлдирилганлик белгилари бор ҳолда бирорта уловнинг устида бўлса ва қишлоқдаги бир киши бу уловни ўз олдига солиб ҳайдаб кетаётган бўлса ёки уловнинг арқонидан ушлаб, етаклаб келаётган бўлса, ёки шу уловга миниб олган бўлса, қасома ва хунбаҳо шу киши устида бўлади. Агар улов ўз ҳолича кетаётган бўлса, уни ҳеч ким етаклаб кетмаётган бўлса ва бу улов икки яқин қишлоқ ўртасида турган бўлса, унинг қасома ва хунбаҳоси узоқ қишлоқ аҳлига эмас, балки яқин қишлоқ аҳлининг бўйнига бўлади.

Масъала

Агар бир кишининг ҳовлиси ёки бирор хонасидан ўлдирилган одам топилса, қасома ва хунбаҳо шу кишининг бўйнида бўлади. Бу ҳовлида яшовчиларнинг бўйнига қасома ва хунбаҳо тушмайди, ҳовли эгасининг бўйнига тушади.

Масъала

Агар қатл этилган киши муштарак ҳовлидан топилса, масалан, ҳовлининг ярми бир кишиники, иккинчи ярми эса бошқа кишиники бўлса, қасома ва хунбаҳо бу икковининг ўртасида бўлади.

Агар ўлдирилган киши кемадан топилса, қасома ва дият кема йўловчилари ва маллоҳлар устига бўлади.

Агар маҳалла масжидидан топилса, қасома ва дият масжид аҳлининг бўйнига бўлади.

Масъала

Агар икки қишлоқ ўртасидан ўлик топилса, қасома ва дият яқинроқ қишлоқ аҳлининг бўйнига бўлади.

¹ Жанин — она қорнидан тушган бола.

Агар ўлик саҳродан топилса, унга яқин жойда иморат бўлмаса, баланд овозда қичқирилади, овоз бирорта иморатга етиб бормаса, қасома ва дият бўлмайди.

Масъала

Агар бир маҳаллада бир жамоа пичоғу қилч билан бир-бирига ташлансалар, бир-биридан ажралганларидан сўнг орада ўлик ётганини кўришса, қасома ва дият маҳалла аҳли бўйнига тушади. Агар ўлдирилганнинг яқинлари бу жамоага ёки муайян бир шахсга даъво қилмасалар, қасома ва дият маҳалла аҳлига лозим бўлади.

Масъала

Агар ўз ерлари ҳисобланмаган бир заминда яшаётган лашкар ичида ўлдирилган одам топилса ва бу ўлдирилган хайма (чодир) ичида бўлса, қасома ва дият хаймада яшовчиларнинг бўйнида бўлади. Агар хаймадан ташқарида топилса, қасома ва дият хаймадагиларнинг ўликка яқинроқ бўлганлари бўйнига тушади.

Агар лашкар ўз заминида бўлса, қасома ва дият шу ер эгасининг бўйнига тушади, аскарларга тушмайди, чунки аскарлар бу ерда сокин турувчилар ҳисобланади.

Масъала

Агар икки киши гувоҳлик бериб, бу ўликни ушбу маҳаллалик киши эмас, бошқа маҳаллалик киши ўлдирди деса, бу гувоҳлик қабул қилинмайди. Ўликнинг яқинларидан бири маҳалладаги бир кишига даъво қилса, маҳалла аҳли ҳам гувоҳлик берса, бу гувоҳлик ҳам қабул қилинмайди, чунки унинг даъвоси маҳалла аҳлидан қасома ва диятни бекор қилишга қаратилгандир.

Масъала

Агар маҳалладан жароҳат етказилган киши топилса, унинг яқинлари бу кишини уйига олиб борсалар, шундан сўнг жароҳат эгаси ётиб қолса ва ўрнидан турмаса, сўнг бу жароҳат туфайли ўлса, қасома ва дият шу маҳалла аҳлининг бўйнига тушади.

Масъала

Агар бир киши ўз ҳовлисида ўлдирилган ҳолда топилса, қасома ва дият унинг меросхўрлари бўйнига тушади. Агар бир хонада икки киши бўлса, учинчи одам бўлмаса, улардан бири мазбуҳ (сўйилган) бўлса, қасома ва дият иккинчи киши бўйнига тушади.

Масъала

Агар бир аёлнинг мулки бўлган қишлоқда ўлдирилган одам топилса, унинг қасома ва дияти шу аёлнинг бўйнига тушади. Бу аёлга эллик мартаба қасам ичирилади.

Махфий қолмасинким, бу зикр қилинган ҳолатларнинг барчасида қасома ва дият лозим бўлди, бироқ у ажам бўлган одамгагина лозим бўлди. Бироқ бу мулк ёки ҳовли эгаси араб бўлса, қасома ва дият оқилга лозим бўладикки, оқиланинг тафсилоти қуйида келади.

Махфий қолмасинким, маҳалла масжидида ўлик топилса, қасома ва дият аҳли масжид бўйнига тушар эди, бу шундай вақтда эдики, масжид жоме масжиди бўлмаса. Борди-ю, у жоме масжиди бўлса ёки мусулмонларнинг бозор мачити бўлса, дият байтулмолга тушади.

Агар ўлик подшоҳлик еридан топилса ва бу ернинг эгаси маълум бўлмаса, дият байтулмолга тушади.

Шунингдек, бировнинг мулки бўлмаган омма йўлида ёки мусулмонлар бозорида ўлик топилса ёки зиндондан топилса, дият байтулмолга тушади.

Агар вақф еридан ўлдирилган киши топилса, бу ердан олинадиган нарсани маҳалла масжиди тасарруф қилса, қасома ва дият маҳалла аҳлига тушади. Агар тасарруф қилувчилар маълум одамлар бўлса, қасома ва дият шу қавм устига тушади. Агар жоме масжиди бўлса, дият байтулмолга тушади. Агар ўлдирилган ҳайвон топилса, ҳеч нарса лозим эмас.

Масъала

Агар ўлик умумга қарашли наҳр (дарё)дан топилса, қасома ва дият лозим эмас. Чунки у сув оқизиб кетган билан баробардир, сув ўртасида бўлса ҳам шундай.

Аммо ўлик умумга қарашли дарё қирғоғида бўлса, қасома ва дият яқинроқ мавзегга тушади. Агар умумга қарашли бўлмаса, хусусий дарё бўлса, қасома ва дият хусусий дарё аҳлига тушади. Умум дарё билан хусусий дарё ўртасидаги фарқ шуки, агар унинг аҳли шуфъага¹ ҳақли бўлсалар, бу хос (хусусий дарё) бўлади, унинг аҳли шуфъага ҳақли бўлмаса, умум дарёси ҳисобланади. Мўътабар ривоятга кўра, шуфъага ҳақли бўлмайдиган дарё бу — кема юрадиган дарёдир.

Оқила² ҳақидаги фасл

Махфий қолмасинким, мўътабар ривоятга кўра, баъзилар ажамга оқила бор, баъзилар оқила бобида ажам ва араб ўртасида фарқ йўқ. десалар ҳам, ажамга оқила йўқдир. Фатвога кўра, истеъмолда биринчи ривоят бўлиб, ҳақиқатан ҳам ажамга оқила йўқ. Дият бу ажамнинг молгадир, арабга эса оқиладир...

ЗАКОТ БОБИ

Махфий қолмасинким, закот озод, оқил, балоғатга етган мусулмон учун моли нисобга етган, мулки тўлиқ ва бир йил ўтган кишига фарздор. Озод дейилишининг сабаби шуки, закот қулга лозим эмас. Балоғатга етган дейилишининг сабаби шуки, тентак ва гўдакларга закот лозим эмас. Мусулмон дейилишининг сабаби шуки, кофир ибодат аҳлига кирмайди. Бир йил ўтгач дейилишининг сабаби шуки, агар бир йил ўтмаса, закот лозим бўлмайди. Мулки томм (тўлиқ мулк) дейилишининг сабаби шуки, агар мулки томм бўлмаса, масалан, мукотиб³ моли бўлса, бу молга закот лозим бўлмайди. Нисобга етган дейилишининг сабаби шуки, агар нисобга етмаса, закот лозим бўлмайди. Нисоб бундан кейин гапирилади, иншоаллоҳу таъоло.

Яна шарт шуки, кишидаги мол аслий ҳожатидан ортиқча бўлиши керак ва бу ортиқча мол нисобга етган бўлиши лозим. Демак, яшаб турган ҳовли, хизматда турган қуллар, манзил асбоблари, масалан, шолча, гилам, қозон, товоқ ва шунга ўхшашлар, от, сигир,

¹ Шуфъа — бошқалардан бир нарса учун ҳақ олинishi.

² Оқила — ўлдирилган одам учун тўланадиган тоvon.

³ Мукотиб — ишлаган ҳақини хўжайинига ўтказиш йўли билан озодликка эришувчи банда (қул).

уловлар, туялар ва биз минингга муҳтож бўлган бошқа нарсаларга закот лозим бўлмайди. Шунингдек, сотиш учун мўлжалланмаган китоблар ва шунга ўхшашларга ҳам закот бермайди. Яна жанг асбоблари ва бошқаларга, масалан, ўқ, камон ва тижоратга мўлжалланмаган матоларга ҳам закот берилмайди. Шунингдек, галла ва буғдой ҳам тижорат учун сотиб олинмаган бўлса, закот лозим эмас.

МУНДАРИЖА

Асар ҳақида мухтасар сўз. М. Нуритдинов	3
ХАЛИФАЛИК ВА ШАРИАТ ЮЗАСИДАН ХАЛИФАЛИК-КА ТААЛЛУҚЛИ БЎЛГАН НАРСАЛАР, МУЪТАБАР ШАРИАТ ШАРТЛАРИ ВА ШАРТЛАРДАН ЎЗГА НАРСАЛАР БАЕНИДАГИ БОБ	5
Адолат баёнидаги фасл	7
Богийлар баёнидаги фасл	8
Ушр, хирож ва унинг сарфи ва унга муносабати бор ишлар баёнидаги, яна ислом подшоҳига тааллуқли ишлар баёнидаги фасл	21
Хирож ва жузъянинг сарфи ва аҳли куфрлардан жангсиз олинадиган нарсалар баёнидаги фасл	22
Дори харб ва куфр аҳли ҳамда Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ фатвои бўйича буларнинг ҳукмлари баёнидаги фасл	23
Ҳиротнинг дори харб бўлганлиги ҳақида Бухоро аҳли чиқарган фатво тасвири	23
Ҳазрати Хабиб ва Аммоннинг кофирликка мажбур қилинишлари	25
Саккиз нарсани ислом аҳли тарк қилса, гуноҳкор бўлишлари ҳақидаги масъала	25
Найғамбарларни ва икки шайхни сўқини куфр ва қатлга боислиги ҳақидаги масъала	26
Ҳазрати ислом подшоҳига итоат лозимлиги ҳақидаги масъала	26
Ҷақимчинини ўлдирish масъаласи	27
Иймон руқилари ва ҳукмларини билмаган аёл ва қапизақ билан яқинлик қилиш ҳалол эмаслиги ҳақидаги масъала	27
Иймон руқилари ва ҳукмларини билмаган қассобнинг сўйгани ҳалол эмаслиги ҳақида	27
Ислом аҳли куфр аҳлига омон бериши ҳақидаги масъала	29
ХУДУД (ЖАЗО), ТАЪЗИР, ҲАРОМ ИЧИМЛИКЛАР ВА ИШУЛАРГА ТААЛЛУҚЛИ НАРСАЛАР БАЕНИДАГИ БОБ	30
Ҳадд билан таъзир орасидаги фарқ	30
Зиндон исбот қилиш йўли ҳақидаги масъала	31
Зиндон иқдор билан исбот қилиш	31
Ғомидия тошбўронининг воқеаси	35
Лаввота масъаласи	35

Ичкиликка ҳадд бериш ҳақидаги фасл	37
Озод киши ёки қулнинг хадди масъаласи	37
Қазаф ҳаддининг баёни ҳақидаги фасл	38
Таъзир сабаблари ва хиллари ҳақидаги фасл	39
Ҳаром ичимликлар ва уларнинг ҳукмлари ҳақидаги фасл	40
Мусаллас, ҳаром ичимликлар, бўза, арақ ва шунга ўхшашлар- нинг бу замондаги ҳаромлиги масъаласи	42
ОММА ҲУЛИГА ҚУРИЛГАН НАРСАЛАР ҲАҚИДАГИ БОБ	43
ҚУЛНИ, МУДАББИРНИ ВА БОЛАЛАРНИ ҲАСБ ЭТИШ ҲАМДА УЛАРГА НИСБАТАН ЖИНОЯТЛАР ҲАҚИ- ДАГИ БОБ	47
ҚАСОМА ВА УНГА ТАМЛУҚЛИ НАРСАЛАР ҲАҚИДАГИ БОБ	49
Оқила ҳақидаги фасл	53
ЗАКОТ БОБИ	53

На узбекском языке

ПОЛЕЗНЫЕ СОВЕТЫ, ПОСВЯЩЕННЫЕ ХАКАНУ

Рассом А. Баҳромов
Техник муҳаррир А. Раҳимов
Мусаҳҳиҳа З. Ҳидоятова

Теришга берилди 25.10.95 й. Боснига руҳсат этилди 14.12.95 й.
Бичими 84×108¹/₃₂. Босма тобоғи 1,75 л. Пашриёт тобоғи 3,4. Ада-
ди 10000. Буюртма № 112. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси, Адлия вазирлиги «Адолат» нашриёти,
700047, Сайилгоҳ кўчаси, 5

ЎЗР ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси. Тошкент, 700170,
акад. Ҳ. Абдуллаев шоҳ кўчаси, 79.